201__
A
O'zbekiston MK

Халқ ва тарих тили 3

Туркистон ва Туркия бахшилик анъаналари 4

Бахшичилик мактаблари 5

Халқ борки, давлат бор 6

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston ovozi

№28-29
2019-yil, 8-aprel
Dushanba (32.519)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакил қатнашмоқда.

Халқаро фестиваль кўрик-танловида 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизлар билан жонажон Ўзбекистонимизда, гўзал Сурхондарё заминида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги бизга катта мамнуният етказади.

Бугунги фестивалимизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз: ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани бошқармаси бошлиғи Андрей Шевелевга, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг тузилмаси – АЙСЕСКОнинг Маданият бўйича директори Рхиати Салиҳга, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши Осиё ва Тинч океани минтақаси раҳбари Гада Рида Хижжавига, Қирғиз Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Раевга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухаметўғлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркманистон маданият вазирининг ўринбосари Курбанмурат Мирадалиевга, Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти ҳокими Муҳаммад Исҳоқ Рахгузар ва бошқа хорижий дўстларимизга чуқур ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни биз халқимиз ва маданиятимизнинг яқин дўстлари сифатида қабул қиламиз. Бутун эл-юртимиз номидан барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирамиз.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар!

Азиз дўстлар!

Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. **Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.**

Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади.

Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган «оммавий маданият», шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, **фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу — инсониятнинг болалик қўшиғидир.**

Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани — бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман.

Давоми 2-бетда. ▶

Халқаро фестиваль давом этмоқда

Термиз шаҳрида ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали юқори савияда, кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситалари Термиз бахшичилик санъати фестивали ҳақида

Термиз шаҳрида ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали санъат оламидаги муҳим тадбирлардан бири сифатида халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу муносабат билан фестиваль ва унинг доирасида ўтказилаётган тадбирлар юзасидан хорижий оммавий ахборот воситаларида турли хабар ва мақолалар эълон қилиб борилмоқда.

СТРАНА.UA

Жумладан, **Украинанинг «Страна»** интернет-нашрида «Ўзбекистонда энг катта сўзана тикилди» номли мақола чоп этилди. Унда «5-10 апрель кунлари Термизда ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали муносабати билан Ўзбекистонда дунёдаги энг йирик ипак гилам — сўзана тикилди», дейилади.

Хабарда сўзана ва унинг яратилиш тарихи, ушбу меҳнат тури, уста-тикувчилар фаолияти, фестиваль ва унинг ўтказилиши ҳақида батафсил маълумот келтирилган.

Озарбайжоннинг **«Yenicag»** ахборот порталида мавзуга оид берилган хабарларда фестиваль Ўзбекистоннинг энг жанубий минтақаси, ўзига хос қадимий санъат анъаналарига эга Термиз шаҳрида ўтказилиши ҳақида алоҳида сўз боради.

Yeni Çağ
www.yenicag.az

«ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган ушбу тадбирда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан 60 га яқин ижрочи иштирок этмоқда. Санъат оламидаги ушбу муҳим тадбирни ёритиш мақсадида дунёнинг 18 давлатидан 250 дан ортиқ журналист ташриф буюрган. Меҳмонлар, шунингдек, Сурхондарёдаги Фаёзтепа, Кампиртепа тарихий манзилгоҳлари, Султон Саодат ва ат-Термизий каби ўнлаб зиёратгоҳларда бўлиш имкониятига эгалар», дейилади **«Yenicag»** хабарида.

人民日报

Хитойнинг **«Жэньминь жибао»** газетаси ҳам ўз саҳифаларида халқаро майдонда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлари орасида Термиз шаҳрида ўтаётган ажойиб ва бетакрор тантаналар тўғрисида маълумотлар чоп этган. Хусусан, нашрда эълон қилинган мақолада қуйидагилар қайд этилади: «Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор ўтказилмоқда. Фестиваль ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Унинг доирасида турли илмий конференция ва ижодий учрашувлар ҳам ўтказилмоқда. Тадбирга кенг ҳозирлик кўрилган.

Бахшичилик тарихи, ушбу санъат турининг ўзига хос мактаблари ҳақида маълумот берувчи илмий-оммабоп китоблар чоп этилган. Унда кўплаб давлатлар қатори Хитой Халқ Республикаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда».

Ушбу халқаро фестиваль тафсилотлари, шунингдек, **«Trend az», «Казинформ», «БелТа», «REGNUM», «Daily Sabah», «Devdiscourse», «AKI Press»** каби қатор хорижий ахборот тармоқларида ҳам кенг ёритиб борилмоқда.

З.МИРЗАБОЕВА,
ЎзА мухбири.

Дунёдаги энг катта сўзана

Фестивалга бойсунлик ҳунармандлар ажойиб туҳфа ҳозирлашди. Узунлиги 25, эни 6 метрли сўзананинг оғирлиги 60 килограммни ташкил қилади. Санъат асарида 19 та гул тикилган. Бешта йирик гулнинг айлана диаметри 5 метр, кичик гулларники эса 1 метрдан... Дунёдаги энг катта бу сўзанани Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш кўзда тутилган.

Юз йиллик дўмбира

Мамлакатимизда Қашқадарё-Сурхондарё бахшичилик мактаби алоҳида ўрин тутади. Устоз бахшилар терма ва достон айтиш билан бир қаторда дутор, тор, танбур, дўмбира каби миллий созларни ҳам ясашган. Асосан тут, арча, ёнғоқ дарахтларидан тайёрланган мусиқа асбоблари авайлаб келинган.

Бахшичилик санъатининг йирик намояндаси Шерна бахши Мардонақуловнинг дўмбираси ноёблиги билан ажралиб туради. Юз йиллик дўмбирадан унинг невараси — Ўзбекистон Халқ бахшиси Хушвақт Мардонақулов фойдаланиб келмоқда.

Беш ёшли бахши

Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг энг ёш бахшиси Ғолибжон Орибов ҳисобланади. Беш ёшли бахши ўнга яқин термани ёд олган. Маҳаммад бахши Эшбоевнинг шогирди бўлган Ғолибжон китоб ўқиш, расм чизиш ва рақсга тушишга қизиқади.

Майсара бахши

Шеробод туманининг Гулистон маҳалласида истиқомат қилувчи Майсара Раҳимова фестивалда Сурхондарё вилоятидан ягона аёл иштирокчидир. Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси 22 ёшда бўлиб, ушбу даргоҳда ташкил қилинган «Жайхун» ансамблида бахшичилик қилади.

Мингта чанқовуз

Бойсунлик ҳунарманд Ғайрат Мусурмонов ажойиб тўйни муносиб совға билан кутиб олди. У икки ойдан ортиқ вақт — етмиш кунда мингта чанқовуз ясади. Дилларни яйратадиган чанқовузлар байрамга янада файз, ўзгача тароват ва кўтаринкилик бахш этмоқда.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.

Шу маънода, биз халқ ижодиётини, турли ўлкаларда бахши, жиров, оқин, манасчи, шоир, ошиқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужассам этадиган инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бугун ўз ишини бошлаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айни шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада, аввало, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос «ташриф қоғози»га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак.

Хусусан, бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, «устоз – шогирд» анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўгараклари ташкил этиш, бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, тўй-томошалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди.

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

Бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Юртимизда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва юксалтириш мақсадида машҳур «Алпомиш» достонининг минг йиллиги кенг нишонланди. Бугун биз тўпланиб турган мана шу гўзал майдонда бу улуғ бадиий обида шарафига муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Давлатимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис қилинди.

Термиз шаҳрида янги ташкил этилган бахшилар мактабида, республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида юзлаб ёшларимиз миллий фольклор санъатини меҳр қўйиб ўрганмоқдалар. Юртимизда 100 томлик «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» мажмуаси нашр этилмоқда. Унинг 59 жилди айнан халқ достонларидан иборат эканини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўп томлик «Қорақалпоқ фольклори» тўплами ҳам чоп этилди. Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаётимизда бениҳоя муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Шу билан бирга, бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Соҳага оид китоб ва альбомлар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратилмоқда. Бахшиларимиз халқаро кўрик-танловларда, хорижий давлатларда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунларида муносиб иштирок этиб келаётгани эл-юртимизни мамнун қилади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан, бўм-бўш заминда пайдо бўлган эмас.

Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиров, Шерна бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намояндаларни бергани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ана шу ижодий анъаналар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тоғаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Ғайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда.

Ушбу қувончли айёмда бахшилик санъатини илмий ўрганишдек муҳим ишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Ҳусаинова сингари фан арбобларининг хотирасини ҳурмат билан ёд этамиз. Бугун уларнинг ишларини муносиб давом эттираётган Тўра Мирзаев, Жалғас Хушниёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Маматқул Жўраев, Тоштемир Турдиев, Жаббор Эшонқулов ва бошқа жонкуяр олимларимизнинг номларини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Айни пайтда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган кореялик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимларга самимий раҳмат айтамиз.

Қадрли фестиваль иштирокчилари!

Биз ушбу нуфузли анжуманни айнан кўҳна ва навқирон Сурхон ўлкасида ўтказаётганимиз бежиз эмас, албатта.

Сурхондарё деганда, аввало, улуғ азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кўҳна Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсундаги петроглиф расмлар, Бақтрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзинтепа, Кампиртепа, Холчаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради.

Воҳанинг гўзал табиатини, Олтинсой, Сангардак, Хонкизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув гўшаларини бир бора кўрган, бепоён қир-адирларда бахшилардан достон ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Сурхондарё — азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод достончилик мактаби бутун минтақамизда маълум ва машҳур.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусиқани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжуманни катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Бугунги даврамизда жаҳоннинг узоқ ва яқин мамлакатларидан ташриф буюрган ўнлаб машҳур бахшилар, фольклор гуруҳлари, соҳанинг жонкуяр намояндаларини кўриб турганимиздан ғоят хурсандмиз.

Келинглар, азиз дўстлар, уларни чин қалбимиздан қутлаб, барчаларига ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат ва олқишларимизни изҳор этайлик!

Ҳурматли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестиваль дунёдаги энг нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

Гўзал юртимиз ҳаёти билан танишган сиз, азизлар ўз фикр ва туйғуларингиз ҳақида, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз, унинг маданияти ва бетакрор қадриятлари ҳақида янги-янги қўшиқ ва достонлар яратишингизга тилакдошмиз.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз ватандошлар!

Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Сурхондарё аҳлига чин юракдан ташаккур билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Муносабат



Бир мақсад, бир ғоя атрофида бирлашяпмиз

Термиз шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам оламшумул аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу санъат анжумани, айниқса, биз, бахшиларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бу анжуман халқимиз қадимдан эъзозлаб, асраб-авайлаб келаётган достонларни бизга туҳфа қилган улуғ аждодларимиз руҳини шод этди.

Дунё бахшиларини Алпомиш ва Барчиной юртида бирлаштирган, бир мақсад, бир ғоя атрофида жипслаштирган фестивалда иштирок этиб, аждодлардан мерос касбни танлаганимдан беихтиёр фахрландим.

Айтиш жоизки, Сурхондарё вилоятида мазкур фестивалга тайёргарлик жараёнида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, Шеробод достончилик мактаби асосчиси Шерна бахши қабрини ободонлаштиришга киришилгани, кўплаб достонлар китоб ҳолида чоп этилгани юртимизда сўнгги йилларда бахшичилик санъатига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Термиз шаҳрида бахшилар мактаби, қатор туманлардаги мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик синфлари фаолияти йўлга қўйилгани аждодлардан мерос бу санъатнинг келажаги янада порлоқ эканига далолатдир.

Гапнинг индаллосини айтганда, фестиваль бошланганидан буён ўзимни Термиз шаҳридаги Санъат саройи ҳудудидаги кенг майдонга сиғмаётгандек ҳис этмоқдаман. Биласизми, нима учун? Бу ерда юртимиз ҳудудларининг ўзига хос анъана ва урф-одатлари, ноёб санъати ва буюк қадриятлари ўз аксини топган. Бундан ташқари, барча вилоятларнинг этнографик халқ ансамблари, санъаткорлари ўз маҳоратини кенг намойиш этмоқда. Бахши, оқин ва жировларнинг сирли оҳангларда хониш қилиши дилларни яйратмоқда. Шунингдек, биз жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган машҳур бахшилар билан мулоқот қилиш, тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўляпмиз. Кечки пайт халқаро кўрик-танловда баҳслашмоқдамиз.

Сўзим аввалида бир неча достон китоб ҳолида чоп этилгани ҳақида қисқача айтган эдим. Масалан, фестиваль арафасида устозим Чорша бахшидан ўрганган «Алпомиш» ва ўзим ёд олган «Олтин қовоқ» достони нашр қилинди. Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаевнинг «Малла савдогар», Шодмон Хўжамбердиевнинг «Сурхоним дўмбираси» китоблари ҳамда Умр Шоир ва Авлиёқул Мардонақул ўғлининг «Алпомиш» достони китобхонлар қўлига тегди. Булардан қувонмай бўладими?

Мен бахшичиликни ўрганишга киришганимда ёшим ўттизга етиб қолган эди. Бугун Термиздаги бахшичилик мактаби ва туманлардаги махсус синфларда 7-9 ёшли болалар соҳа сирларини иштиёқ билан ўрганмоқда. Уларнинг достонлардан парчаларни маромига етказиб куйлаётгани, турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этаётгани, фестиваль доирасида ўтказилаётган халқаро кўрик-танловни диққат билан кузатаётганига ҳавасим келмоқда.

Буларнинг барчаси келажакда мардлик ва жасоратни, ватанпарварлик ва муҳаббатни, юртимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларни кенг тараннум этадиган янги достонлар яратилишига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Абдуназар ПОЁНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси.
ЎзА

Халқаро фестиваль давом этмоқда

Халқаро фестивалда юртимиз ва хорижлик фольклоршунос олимлар, бахшилар, жиров ва оқинлар, санъаткорлар, ушбу санъат ихлосмандлари билан бирга, жаҳоннинг кўплаб давлатларидан меҳмонлар иштирок этаётир. Мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва Сурхондарё вилояти туманларидан келаётган мухлислар ҳам фестиваль доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Этнографик шаҳарчалар билан танишмоқда.

Миллий қадриятларимиз ва ноёб санъатимиз кенг намойиш этилаётган фестиваль нафақат хорижлик, балки маҳаллий иштирокчиларда ҳам олам-олам таассурот қолдирмоқда.

— Достончилик миллий ўзлигимизнинг бир бўлаги, нафис ва ноёб санъатимизнинг ўқ томиридир, — дейди Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги «Янги турмуш» фермер хўжалиги раҳбари А.Мажидов. — Болалигимизда биз кундузи ўқиб, ишлаб, тунлари достон тинглаганимизни яхши эслайман. Негадир кейинги йилларда ёшларимизнинг бахшичилик санъатига қизиқиши сусайиб бораётган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айнан Алпомишлар юртида бу анъанани қайта тиклашга киришилгани навқирон авлодни яна гўзал санъат билан ошно этади. Халқаро фестиваль сабаб қанча ноёб достонларимиз чоп этилди. Нуфузли тадбирда дунё бахшилари ўзаро баҳслашаётгани ёшларнинг бу йўналишга эътиборини кучайтиради. Достонларимизни куйлаб келаётган бахшиларимиз билан яна бир бор фахрландим.

Халқаро фестиваль доирасида миллий ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий санъат кўргазмалари, янги чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилаётир. Вилоят ҳудудидаги муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар ва бошқа диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

— Бу юртга биринчи марта келишим, — дейди жанубий кореялик профессор Парк Сёнг Йонг. — Узоқ ўтмишдан гувоҳлик бериб турган салобатли тарихий обидалар, гўзал ва хушманзара табиат, бетакрор санъат менда катта таассурот қолдирмоқда. Фаёзтепа ва Ҳаким ат-Термизийни зиёрат қилдим. Воҳада милоддан аввалги биринчи асрларга доир буддизм ёдгорликларини кўриб, ҳайратим янада ошди. Ўзим номоддий маданий ёдгорликлар билан шуғулланаман. Бирок бу ерда кўрганларим, ишонасизми, мен учун фантастика бўлиб туюлмоқда. Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда шундай буюк санъатни асрлар давомида кўз қорачиғидек асраб келаётган халқнинг фидойилигига тан бердим.

Бахшичилик санъатининг Буюк ипак йўли кесишган нуқтасида кенг қулоч ёзгани ва бу дурдоналарни тарғиб қилиш айнан шу юртда амалга оширилаётганида чуқур маъно бор. Бунинг дунёга таъсири жуда кучли бўлади. Бу фестивални анъанавий ўтказиб туриш ёш авлоднинг миллий ўзлигини теран англашида муҳим ўрин тутади.

Фестиваль доирасида Халқаро бахшилар кўрик-танлови, хорижий ва маҳаллий санъаткорлар иштирокидаги қизиқарли концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

Куйла, дўмбирам...

Бахшилар халқ достонларини дўмбира, кўбиз ёки дутор сози жўрлигида куйлайдилар. Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Умир Сафаров каби бахшилар дўмбира чертса, Дўстёр Хўжаёр ўғли, Букмурод Жўрабой ўғли кабилар кўбиз тортган. Хоразм бахшилари достонларни асосан дуторда куйлаганлар.

Дўмбира жуда қадимий чолғулардан ҳисобланади. Бугунги кунга қадар ўзгаришсиз сақланиб келаётган унинг шакл кўриниши ҳам сўзимизнинг исботи бўла олади. Профессор Ўрозали Тошматовнинг маълумотларига қараганда, қозоқ халқида ҳам дўмбира чолғуси энг асосий мусиқий чолғулардан бири ҳисобланади. Қозоқ дўмбираси замон таъсирида ўзгартирилиб, қовурғали косахона ва боғлама пардаларга эга бўлган чолғудир. Биздаги кўринишидаги чолғулар ҳам уларда сақланиб қолган. Фақат, уни қозоқлар «чертар» деб атайдилар. Кўриниб турибдики, дўмбира сози қайсидир маънода дуторнинг қадимий шакли бўлиб, садоси жиҳатдан ундан бироз фарқланади ва якканавоз ва жўрнавоз чолғу сифатида бахши ва чўпонларнинг севимли чолғуси бўлиб сақланиб келган. Дўмбира, танбурга нисбатан косаси катта, дастаси эса калта, дуторга нисбатан дастаси калта, косаси кичкина икки торли чолғудир. Косасининг шакли кўпроқ танбурга ўхшаш бўлиб, асосан тут, ёнғоқ ёки ўрик дарахтидан ясалади.

Дўмбирани торлари дутордек, кварта баъзан квинтага созланади, лекин сознинг аниқ баландлиги ижрочининг созлашига боғлиқ бўлган. Икки турли дўмбира бор, бири дастаси узун ва ингичка. 12 та ичак пардаси бор. Иккинчиси дастаси калта ва йўғон; 7-9 пардаси бор. Баъзи жойларда уч торли дўмбира ҳам қўлланилади. Ҳар икки дўмбиранинг ҳам ижро қилиш техникаси мураккаб. 1930 йилларда дўмбира қайта ишланиб, бунинг пиколло, прима, тенор, бас ва контрабас турлари ишлаб чиқазилган. Пардалар хроматик қилиниб ишланган.

Дўмбиранинг нисбатан замонавийроқ шакли дутор чолғуси ҳам бахшилар ижодида кенг қўлланилади.

Дутор икки торли чертма чолғу бўлиб, кварта, квинта, прима, октавага созланиши мумкин. Дутор ўзига хос қадимий чолғу бўлиб, майин ва мунгли садога эга. Дуторлар аёллар ижросида кенг тарқалгандир. Дуторнинг бир қанча турлари шаклланган бўлиб, прима, секунда, альт, контрабас кўринишлари замонавий ижрочиликда кенг тарқалган

Бахшилар ижросида жўрлик қилувчи созлардан яна бири қўбиздир. Қўбиз камонли чолғуларнинг энг қадимийси ёки қадимийларидан бири бўлиб, бу чолғулар Хитойда, Мўғулистонда учрайди. Қўбизнинг кашф этилиши, баъзи туркий манбаларда афсонавий Қўрқут номи билан боғланади. Ғарб тадқиқотчилари камонли чолғуларнинг ибтидосини шарқдан излаш кераклигини ва бу чолғу қўбиз бўлиши ҳақиқатга яқинлигини эътироф этишган. Қўбиз чолғусида қорақалпоқ жировлари ўз достон термаларини куйлашади. Қўбиз, қўвуз — торли камонча билан чалинадиган чолғу асбоби бўлиб, ўйилиб ишланган коса, буғуз ва дастаси бир бутун ёғочдан ясалади. Косанинг пастки қисмига туя териси қопланади ва шу жойига харраги ўрнатилиб, от думидан ўралган иккита тор тақилади. Бу торлар кварта баъзан квинта интервали оралиғида созланади. Қўбиз даста ва косадан иборат бўлгани учун чалиш вақтида бармоқлар билан торлар босилганда дастага тегмайди. Натижада қўбизда дўнғиллаган товуш чиқади. Қўбиз ижрочилигида обертонлар иштироки жуда фаол бўлади ва унинг ижросида бир нечта товуш ҳосил бўлаётгандек таассурот туғдиради. Овоз ҳажми икки октавага яқин. Умумий узунлиги 700 мм. Бугунги ўзбек миллий чолғуларида ҳам қўбизнинг такомиллаштирилган виолончелга яқин кўринишга келтирилган «қўбиз бас» ва контрабас ўрнида ишлатиладиган «қўбиз контробас» асбоблари ишлатилмоқда. Бу асбоблардан «Суғдиёна» ўзбек халқ чолғулари оркестрида кенг фойдаланилмоқда.

Мусиқашунос Т.Соломонованинг «Ўзбек мусиқаси тарихи» китобида «Китоби Дада Қурқут» («Қурқут бобомнинг китоби») — туркий халқларнинг XII-XV асрларда яратилган қаҳрамонлик қўшиқлари цикли. Қурқут — торли — камонли мусиқа асбоби — қўбиз жўрлигида қўшиқлар ижро этган афсонавий доно қўшиқчи ҳақида маълумот берилган.

Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида қўбиз асбобининг туркий халқларнинг энг қадимий чолғуларидан бири эканлиги ва қовуз ҳам деб номланиши, туркийларнинг илк шоирлари бўлган бахшилар — ўзонлар қўбиз чолғуларида куйлаганлари ҳақида фикрлар билдириган.

Шомурод МУСТАФОЕВ,
доцет.
Музаффар ТАШПЎЛАТОВ,
мусиқашунос.

Олдимиздан улкан дарёлар оқиб турганда, кўза кўтариб бошқа жойлардан сув излаб юрмайлик.

Халқ қалби, миллий руҳ тушунчалари борки, улар мавҳум тушунчалар эмас. Уларни англамоқчи бўлган бор бўйи билан кўрмоқни истаган одам халқимизнинг минг йиллар мобайнида сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф, товушма-товуш бунёд этилган достонларини билиши керак. «Алпомиш» достонини бахшиларимиз ўн кечалаб айтишган, «Гўрўғли» туркуми ўзида 100га яқин достонни жамлаган. Худди шу достонлар ичига кирган одам халқ қалби билан, миллий руҳ билан юзма юз келади ва унинг нима эканлигини билади. Бизнинг бахшиларимиз минг-икки минг демайман, неча минг йиллар мобайнида халқ қалбини, миллий руҳни даврларнинг турли суронларидан, тўзонларидан бутун олиб чиқа олган. Ана шу достонлар ичига жойлаб олиб чиққан. Агар халқ қалбининг уйи қаерда, халқ қалбининг манзили, макони қаерда деса, мен ҳеч иккиланмасдан, халқ достонларида, халқ оғзаки ижоди асарларида деб жавоб берган бўлардим. Шунинг учун бахшилар бутун бир халқнинг тили, тарихимизнинг тили бўлганлар ва халқнинг орзу-армонлари, дардини, интилишларини мана шу достонларда ифода этганлар.

Халқ ва тарих тили

Мен ўзим кўрган бахшилар орасида ҳам 70-80 достонни ёд биладиган бахшилар бор эди. Шунча достонни ёд билиш нима эканлигини биз тасаввур қилишимиз керак. Масалан, биргина «Алпомиш»нинг ўзи 600-700 саҳифа китоб бўлади. Шунча нарсани улар ёд билган ва шуурида асраган, бор меҳри-муҳаббати билан авайлаган. Ҳолбуки, баъзи одамлар билан гаплашганда, тўрт қатор шеърни ёд биласизми, десангиз ўйланиб қолади, тутилиб қолади. **Демак, далаларда қўй боқиб ёки мол боқиб юрган битта бахшининг қалбида қанақа маънавий мерос сақланиб келаётганлигини, қандай бойлик шу одамнинг ичида яшаётганлигини англашимиз керак-да.**

Қаранг, қандай яхши кунларга етиб келдик, Ҳалима Худойбердиева айтганидай "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор". XX асрнинг 30-40 йилларидан нари-берида биз бахшичилик санъатидан узоқлаша бошладик. Аввалига аста-аста, кейин тезлик билан узоқлашиб кетдик. Бунинг устига XXI аср арафасида оммавий маданият ўз юришларини халқларнинг қадимий санъатларини емиришдан бошлади. Шўролар тузумида бахшичилик санъати чеккага суриб ташланди. Бахшиларга муносабат ёввойиларга муносабат каби масхараомуз шаклда намоён бўлди. Бизга қўшни мамлакатларнинг ҳам жуда катта бахшилари, оқинлари бор эди. Уларда ҳам бу санъат йилдан йил ғариблашиб борди. Шу ўринда яна бир фикрни айтишни истардим, дунёда халқлар борки, уларнинг ҳар бири тарихида бахшичилик санъати қандайдир кўринишда мавжуд бўлган. Фақат қайсидир халқ бу қадимий санъатини сақлаб қололган, қайсидир халқда эса унутилиб, аста-секин йўқ бўлиб кетган. **Масалан жаҳонга машҳур «Илиада», «Одиссея» достонларини яратган Ҳомер ҳам аслида бахши бўлган. Биласиз, Ҳомернинг кўзи ожиз эди, у бахшиларга ўхшаб достонларни қўшиқ қилиб айтиб юрган. Анча кейин улар китоб ҳолига келган.** Хуллас, ҳамма халқларда ҳам ёзма адабиётга довур юрт қаҳрамонларини, элнинг орзу-армонларини куйлаб юрган бахшилар бўлган.

Шунинг учун Термизда бўлиб ўтаётган бахшичилик санъати фестивалининг халқаро миқёсда ўтиши ҳам диққатга сазовор. Мен аминман, улар бу фестивалнинг тарихий аҳамиятини ўз халқлари мисолида ҳам теран ҳис этадилар. Чунки, ҳар бир халқ маънавий хазиналарининг ҳаз бешиги худди шу бахшичилик санъатидир. Ёзма адабиётгача бўлган даврлар ҳақидаги тасаввурни ҳам ва ёзма адабиётга энг катта манбани ҳам шу санъат беради. Ҳамма гап шундаки, ёзма адабиётгача бўлган, неча минг-минг йил олдинги аждодларимиздан қолган қандай эзгу сўз бўлса, қандай эзгу амал бўлса, улуғ бахшиларимизнинг шарофати билан етиб келган. Бу бахшилар йўлма-йўл, уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ юриб, айтиб юрган достон ва қўшиқларида жуда катта маънодаги мафкурани, инсон мафкурасини одамларга сингдирган. Уларнинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир сўзида халқнинг катта адабиёти яшаб келган.

Дунёда катта эпоси бор халқлар жуда кўп эмас. Ғурурланса арзийди, ўзбек халқида «Алпомиш» бор. Гап шундаки, халқларнинг бадиий тафаккурини барометр каби ўлчайдиган нарса бу – шу халқнинг эпоси бўлади. Бизнинг халқимизнинг бадиий тафаккури азалдан жуда катта талабларга жавоб бера олган. Бўлмаса, «Алпомиш»га, «Гўрўғли»га ўхшаган достонлар яратилмасди. «Алпомиш» достонининг ҳар саҳифасига катта тарих, катта ҳикматлар яширинган. Алпомиш Қултой кўринишида келиб, Ойбарчинга уйланмоқчи бўлиб тўй бераётган Ултонтозга «қутлуғ бўлсин» қилганини бир эсланг:

Номуслар билан-эй орингиз,
Қаторда лўкчаю норингиз,
Сағирга ўтибди зўрингиз,
Юракдан чиққандир черингиз,
Қуллуқлар бўлсин-эй, тўражон-эй,
Бир марддан қолган-эй ёрингиз.

ёки Ултонтозга тегишга мажбур қилинаётган Ойбарчиннинг сўзларини эслаб кўринг:

Уюримда қулуним от бўлмасми, бобожон,
Бегонани кел десам ёт бўлмасми, бобожон.
Вақти келиб бу кўнгил шод бўлмасми, бобожон,
Мард кишининг боласи мард бўлмасми, бобожон,
Ит боласин суйган билан ит бўлмасми, бобожон.
Сунбул-сунбул сочимни тарамай ўлай, бобожон,
Ойна олиб оқ юзима қарамай ўлай, бобожон.

Мен «Алпомиш»ни Қодир бахшидан эшитиб кўрганман. Қодир бахши сиймосида Бобо шоир, Умр бахши, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоирларнинг тимсолини кўрганман. У худо берган одам эди. Қодир бахшининг овозида ҳам, дўмбира чертишида ҳам, айтишида ҳам сеҳр бор эди. «Алпомиш» достонининг бир жойига келганда, тингловчиларни шундай йиғлатарди, шундай йиғлатарди, яна бир жойига келганда эса, шундай кулдирарди, шундай кулдирарди... Хуллас, бутун бошли манаман деган жуда катта театр жамоаси қилиши мумкин бўлган ишни биргина Қодир бахши қўлида дўмбираси билан қилганини мен кўрганман. Ачинарлиси, Қодир бахши айтган «Алпомиш» тўлиқ ҳолда ҳали йиғиб олинмади. Халқнинг орасида ҳар хил эски ленталарда сочилиб ётибди. Ўнлаб достонлар айтган у киши. Буларнинг ҳаммасини бугунги замонавий аудио техникаларга кўчириб олиб, халққа берсак жуда катта иш бўлар эди. Қодир бахши Тожикистонда бир даврада «Ҳазрати Хизр» деган достонини айтган. У пайтларда мумкин эмасди бундай достонларни айтиш. Ўша даврада Тожикистоннинг уламолари, адиблари, олимлари бўлишган. Бу достонни бахши яширин бир уйда, хос даврада яшириб айтган. «Ҳазрати Хизр» достони ҳам ҳозирда йўқ. Бундай достонларни излаб топишимиз керак.

Менинг қишлоғимдан ҳам Поён бахши деган бахши ўтган. 30-йилларда даҳшатли очарчилик бўлиб турган бир даврда Тожикистондан Сурхондарёга дон олиб қайтаётган одамларнинг буғдойини Боботоғда беркиниб юрган қароқчилар тортиб олади. Бола-бақра, хотин-қиз, кекса-ю ёш йўл қараб кутаётган карвон қуп-қуруқ қўл билан қайтади. Оқсоқоллар бўлган воқеани эшитишиб, Поён бахшининг бир ўзини Боботоқ-қа жўнатишади. Поён бахши қароқчиларни топади, уларга «Мен сизларга бир достон айтаман, эшитинглар!» дейди. Сўнг Поён бахши юртда аёллар, болалар, кексалар очдан ўлаётганлигини, кечаётган қаҳатчилик ва очарчилик даҳшатларини шундай дард ва алам билан куйлайдики, қароқчилар бошлиғи чидаёлмай йиғлаб ўрнидан туриб кетади-да, ҳамма донни битта донасигача қолдирмай қайтариб беришларини, ҳатто ўзлари учун йиғиб қўйган донни ҳам қўшиб беришларини буюради.

Мана, кўряпсизми, бахшиларга халқнинг тили, эл юрагининг овози бўлиш худо томонидан муддатилган. Энди ўтган даврдаги эътиборсизлик ва беписандликни қарангки, 70-80 талаб достонни ўз қалбида асраб элга етказиб келган бахшиларнинг ҳозир қабри қаерда деса, биров билмайди. Ахир улар ҳақиқий маънода халқ ва миллатнинг жуда катта хизматчилари эдилар. Ўша давр мафкурасини биласиз. Қуллик мафкураси элу халқ бахшичилик санъатидан узоқ бўлишидан манфаатдор эди. Шу сабаб қанчадан-қанча бахшилар ўзга юртларга сургун қилинди, ўз элида қолганларининг бошида ойболта ўйнаб турди. Бунга ҳамманинг ичи куяди. Юз йиллик бу муддатда қанчадан қанча хазиналар тили боғланган бахшиларнинг ичида куйиб кетди. Бу фестивалнинг ташкил қилинишидан мақсад ўша хазиналарни борича қайтариш, қадрини англаш, бу қадим санъатнинг қаддини кўтаришдир. Кейинги даврдаги катта маънавий ҳодисалардан бири бўляпти бу анжуман. Чунки, кейинги пайтларда бахши, бахшичилик санъати деса ёшлар у нима экан, дейдиган даражага бориб қолганди.

Ёшларимиз бошқа арзимас ва бачкана нарсаларга чалғимаслиги учун мана шундай миллий санъатлар билан уларнинг қалбини бойитиш йўлларини излашимиз керак. Мен кўп одамлар билан гаплашиб, бир нарсани англадим, бизнинг одамларимиз ичида ҳозир ҳам катта адабиёт яшаб келяпти. Буни оддийгина турмуш тарзида кўрса ҳам бўлади. Масалан, дарёнинг олдидан ўтиб кетишаётганда, ассалому алайкум, дейишади. Қишлоғидаги қари бир тутни боботут деб, ўз бобосидай кўришади. Эҳ, жуда кўп бундай мисоллар. Булар бахшиларимиз айтган достонлардан қон-қонимизга сингган нарсалар.

Оммавий маданият, глобализация бутун жаҳон зиёлиларини ташвишга солиб турибди. Дунёдаги аҳли фикр олдида: «Бу қалтис ва хатарли жараёндан қандай халқлар бутун чиқади?» деган савол турибди. Ривожланган, малакатлар ҳам шунга эътибор қаратяпти ҳозир. Гап шундаки, миллатга тааллуқли ҳар бир одамнинг ичи бутун бўлса, халқнинг ичи ҳам бутун бўлади. Бунинг учун асл илдизларни яхши англаш керак. Асл илдизларни билиш учун эса, бизга тил ва руҳ берган, тафаккуримизни парвариш қилган қадимий санъатларимизни ҳис этишимиз керак бўлади. Қадимий достонлар, бахшиларимиз айтиб юрган қўшиқлар ҳар биримизнинг қалбимизни ҳимоя қилади. Уларни сақлаш миллатни сақлаш дегани. Чунки, бахшилар айтган бу достонлар миллат руҳида, миллат руҳи эса шу достонлар ичида яшаб келган. Уларни бир-биридан айириш вужудни руҳдан, руҳни танадан айиришдай гап. Тасаввур қилинг, битта достоннинг яралиши учун қанча вақт керак? Биттагина мақолнинг яралиши учун юз йил керак бўлса, битта халқ достонининг бунёд бўлишига неча асрлар керак. Халқ ижод маъносида шошилмайди.

Мен баъзида нима учун бахшиларимиз ички овозда айтишлари ҳақида ўйлаб қоламан. Инсоннинг ботиний овози бу. Бахши куйлаётганда овозига эрк беради, бор туйғулари, жисму жони билан айтади. Унга қўшилиб, табиат куйлайди, тарих куйлайди. Бахшининг овози бу тарихнинг овозига ўхшайди. Бу дард ва изтироб овозига, қадимият овозига ўхшайди. Мен бу овозда табиат, тарих ва кўнгилнинг қоришиқ симфониясини сезаман.

Қодир бахши айтган «Алпомиш» мана бундай бошланади:

Бу савдолар ўтганда бу дунёлар ёш эди.

Гапни қаранг-а. Алпомиш билан боғлиқ тарих ўтганда бу дунёлар ҳали ёш эди дегани бу неча минг йиллар олдин бу асар яратилган деганидир.

Достонни ўқиш яхши, лекин достонни бахшидан эшитиш керак. Достон ичидаги сир достонни эшитганда очилади. Ёшларни достон эшитишга ўргатишимиз керак. Бунинг таъмини олган одам кейин билади унинг сири нимада эканлигини. Бунинг завқини сезган киши орқасидан ўзи эргашиб кетаверади.

Малакатимиз Президенти ташаббуси билан бўлиб ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали – бу халқимизнинг, адабиётимизнинг, достонларимизнинг байрами. Халқ даҳосига катта эҳтиром бу!

Шу ўринда мен кўпроқ ёшларга мурожаат қилишни истардим. Ҳозир Мактаб партасида ё университет аудиториясида ўтирган бу ёшлар ҳам вақти келиб, 70-80 ёшга киради, бобо бўлади, буви бўлади, Ўшанда уларнинг болаларига, набираларига қолдирадиган эзгу сўзи бўлиши керак. Авлод учун бу энг муҳим меросдир. Эзгу сўзни эса халқ достонлари беради. Бахшичилик санъатининг буюк қадри ҳам шунда. Яна шуни айтишни истардимки, олдимиздан улкан дарёлар оқиб турганда, кўза кўтариб бошқа жойлардан сув излаб юрмайлик. Бу дарёларни танийлик, қадрига етайлик ва улардан мангу баҳраманд бўлайлик.

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СЎЗ – ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўтмиши улуғ халқнинг келажаги буюк бўлади

Тўхташ АННАЕВ,
Термиз Археология музейи илмий ходими:

– Марказий Осиёда ягона ҳисобланган музейимизда 100 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда. Минг йиллардан сўзлагувчи топилмалар орасида соз чалаётган аёллар тасвирланган ҳайкалчалар бор. Бу эса Сурхон заминида қадимдан маънавият, маърифат, хусусан, бахшичилик санъати ривожланганидан далолат беради.

Шу ўринда «бахши» сўзининг маъноси хусусида қисқача тўхталмоқчиман: «Бахши» – совға, туҳфа, инъом, бахт, деганидир. Ўқитувчи, муаллим, устоз маъноларини ҳам англатади. Бахшилар эзгулик, мардлик, яхшилик, меҳр-оқибатни тараннум қилади. Тинчликни мадҳ этиб, Ватанни улуғлайди. Термизийлар юртига ана шундай инсонлар жамулжам бўлганидан хурсандмиз.

Жайхун соҳилида дунё бахшилари жамулжам бўлди

Азизбек бахши Зиёев, (Тожикистон):

– Ўтган икки йил давомида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксак босқичга кўтарилди. Мамлакатлараро автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновининг йўлга қўйилганини эса икки биродар халқ учун тарихий янгилик бўлди, дейиш мумкин.

Халқаро фестиваль олдидан Ал Ҳаким ат Термизий қадамжосида бўлдик. Термиз халқаро аэропорти, темир йўл вокзали, Археология музейини томоша қилдик. Таассуротларни сўз билан ифодалаш мушкул. Қадим Жайхун соҳилида тантана қилинаётган айём барчага оламолам завқ-шавқ улашаяпти, десам муболаға қилмаган бўламан.

Дўмбира тутганимга қирқ йилдан ошди. Дунёнинг ўндан ортиқ давлатида бўлганман. Францияда ўтказилган халқаро анжуманда ғолибликни қўлга киритгандим. Термиз фестивалидан ҳам умидим катта.

Меҳмондўстликни сизлардан ўрганиш керак

Алексей Родин, сайёҳ (Россия):

– Термизга биринчи марта келишим. Меҳмондўст халқингиз яхши таассурот қолдирди. Ўзбекларга хос анъана ва урф-одатлар ҳайратимни оширди. Сурхон санъат саройи ҳудудида ташкил қилинган кўргазмани томоша қилдим. Наво ва қўшиқлар турли тилларда янграётган бўлса-да, кишига ҳузур бахш этади. Санъат – дилларни бирлаштирувчи мустаҳкам кўприк, деганлари аслида шу бўлса керак. Осмони мусаффо, юрти тинч, дастурхони тўкин элнинг қувончли кунлари кўп бўлсин.

Глобаллашув жараёнлари, «оммавий маданият» ниқоби остидаги маънавий таҳдидларнинг хавфи тобора ортаётган бугунги даврда мана шундай миллий қадриятлар, қадим илдизларга мурожаат ёшларни ўзлигини англашга, оқдан қорани фарқлашга ўргатади, деб ўйлайман.

Айём шукуҳи барчага қувонч бахш этмоқда

Анна Жумма Шарван, бахши (Афғонистон):

– Меъморчилик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, оғзаки адабиёт намуналари фольклор ҳисобланади. Термизда илк бор ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида уларнинг барчаси мужассамлашган. Кенг майдонда кулолчилик маҳсулотлари намойиш қилинмоқда. Дорбозлар, зардўзлар, новвойлар, ҳунармандлару темирчиларга кўзингиз тушади. Куй ва қўшиқлар авжига чиққан. Айтишув, ўлан ва алёрлардан ҳамма хурсанд.

Ўзбек-афғон халқи азалдан дини, урф одатлари, анъаналари бир-бирига ўхшаш халқ. Минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келган дурдона қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маросимларимизни, маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодиётининг қадимий анъаналарини тиклаш ва миллий қадриятларни авлодларга янада бойитиб етказиш биз бахшиларнинг мақсади ва бурчидир.

Тантаналарни кўриб, сизларга ҳавасим келди. Давлатингиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бахшичилик санъати қайта дунёга келган бўлса, яқин келажакда янада тараққий этишига ишонаман...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдумалик ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

ФЕСТИВАЛГА ТУҲФА

Ўзбекистон бахшилари

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижод уйи томонидан «Ўзбекистон бахшилари» номли китоб альбомнинг нашр этилиши халқаро бахшилар фестивалига ўзига хос туҳфа бўлди.

Бахшичилик жаҳон халқлари оғзаки бадииятида ўз нуфузи, мавқеига эга бўлган бетакрор сўз санъатидир. Юртимизда яшаб ижод этган бахши-шоир ва оқинлар ижро этган термалардан намуналар ва фотосуратлар жамланган мазкур альбомдан ўзбек халқининг достончилик санъати намуналари жой олган. Бундан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни халқ оғзаки ижодининг бой хазинаси билан яқиндан таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Альбомдан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Бола бахши, Ислом Шоир Назар ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли каби 10 га яқин устоз бахшилар, Шоберди Болтаев, Қаҳҳор Раҳимов, Қора бахши Умиров, Абдуназар Поёнов, Етмишбой Абдуллаев, Гулбаҳор Ақимбетова каби 20 дан ортиқ мустақиллик йилларида «Ўзбекистон халқ бахшиси» фахрий унвони билан тақдирланган бахшилар ҳамда устозларидан достон айтиш сир-асрорларини ўрганиб, ёш бўлса-да, кўплаб ютуқларга эришаётган Феруз Норматов, Илҳом Норов, Жанибек Пиязов, Лола Маҳаммаддинова, Саламат Аяпов каби бахшичилик санъатининг 5 нафар навниҳоллари ҳақида тўлиқ маълумотлар ўрин олган.

Ушбу китоб-альбом миллий достончилик ва бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва муҳаббат туйғусини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун Термизда халқаро фестиваль доирасида ўтказилаётган кўрик-танлов ва турли кўргазмалар, бахшичилик санъатининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни мавзуларига бағишланган илмий-амалий конференциялар билан бирга ушбу китоб-альбом тақдимоти ҳам бўлиб ўтмоқда.

Назокат ЮСУФЖОНОВА,
«Ўзбекистон» НМИУ матбуот котиби.

Бахшилар фестивали иштирокчиларига қардош Туркиядан алангали салом ва энг яхши тилакларимни йўллайман...

ТУРКИСТОН ва ТУРКИЯ бахшилик анъаналари



Ҳусайн БАЙДЕМИР, филология фанлари доктори, профессор, Отатурк университети ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедраси, ўзбек-уйғур тиллари ва адабиётлари бўлими мудири.

Қадимги Ҳун давридан бери дунёнинг турли қисмларига кўчиб бориб, Шарқий Сибирдан то Болқонларгача бўлган ҳудудларда янги-янги маданият соҳалари бунёд этган туркий халқлар юз йиллардан бери бир-биридан узоқ юртларда яшаганига қарамай, уларнинг орасидаги маданият, адабиёт ва санъат боғлари сақлангандир. Туркий халқларни бир-бирига маҳкам боғлаб турган маънавий ришталардан бири бахшилик анъанасидир. Минтақага қараб номланишда бирмунча фарқ қилишига қарамай, бахшилик анъанаси ҳар бир туркий жамиятда минг йиллик маданият ва халқ оғзаки ижодининг боқий анъанаси сифатида яшаб келмоқда.

2016 йилда Туркиядаги бир қанча университетларнинг ходимлари билан биргаликда «Турк дунёсида бахшилик адабиёти» мавзусида 800 саҳифали бир китоб нашр этиб, барча туркий халқлардаги бахшилик анъаналарини айри-айри бобларда баён этдик. Туркий дунёдаги ҳар бир бахшилик анъанасини шу соҳанинг мутахассиси ёзган бу китобнинг мен «Ўзбек бахшилик анъанаси ва термалар» қисмини ёзиш бахтига муяссар бўлган эдим. Мазкур асарни ўқиб чиққан киши бахшилик бутун туркий дунёнинг муштарак маънавий-маданий қадрияти эканлигига амин бўлади.

Туркий дунё жўғрофиясида Шимолий-шарқдан Жануби-ғарб томонга борган сари халқ оғзаки ижодида исломнинг таъсири остида шаманлик ва эски фольклор унсурларининг озайганлигини кўрамиз. Бахшилик анъанасида ҳам ана шу вазият кузатилмоқда. Ибтидоий даврда шаманлик ва бахшиликнинг бирга тараққий этгани кўрилади. Исломдан илгариги эски аждодларимизда уруғ ва қабиланинг диний арбоби, табиби, фолчиси ва бахшисига «қам» ёки «ўйин» дейилган ва бу шахс бу ишларнинг барчасини айни бир вақтда ижро этар эди.

Бундан кейинги даврларда буддист уйғурларда роҳиб маъносини ташиган «бахши» сўзи аста-секин эски буддист ритуалларни ижро этувчининг номи бўлишдан чиқиб, халқ оғзаки ижоди намуналарининг айтувчиси маъносини ўзида жамлади. Исломий даврга келгач, бахши атамаси ўзининг эски маънолари ўрнига «халқ оғзаки ижоди намуналарини айтувчи, яратувчи» англамида кенг халқ оммаси ўртасида ёйилди. Аммо бизнинг давримизда баъзи қипчоқ қавмлари ҳамда ўзбек ва туркманларда халқ табибларига «бахши» дейилишининг илдизлари ҳам юқоридаги ҳолатга бориб боғланади.

Кейинги асрларда туркийларнинг қипчоқ, қарлуқ ва ўғуз тармоқларида бахшилик халқ достонларини куйловчилар, яратувчилар ва авлоддан авлодга узатувчи ижодкор табақанинг умумий номига айланди.

Ўзбеклар энг эски даврлардан бери қипчоқ ва ўғуз халқлари жўғрофиясининг ўртасида жойлашгани учун бу таъсир бу соҳада ҳам кўрилади. Ўзбек халқи ўртасида бахшиларга «достончи» ҳам дейилади.

Достончилик анъанаси IX-X-асрлардан эътиборан Каспий денгизининг ғарбий тарафидаги жўғрофияларга ёйилган Турк-ўғузларнинг орасида халқ оғзаки ижодининг лирик ва эпик жанрларидаги асарларни куйловчи достончиларга «ўзон» атамаси қўлланила бошлади

XVI асрда Усмонли давлати ўз куч-қудратининг чўққисига улашган эди, халқнинг турмуш даражаси ошган ва адабий-эстетик ёндашувлар ҳам ўзгарганди. Энди одамлар қаҳрамон ботирлар ҳақидаги достонлар билан бир қаторда, ишқий-саргузашт асарларга рағбат кўрсата бошладилар. Шу туфайли ишқий достонлар айтиш анъанаси пайдо бўлди ва севги-муҳаббат мавзуси олд планга чиқа бошлади. Бир қанча ўзонлар бундай шеърий ҳикояларни ўзларининг бошларидан ўтган савдолар сифатида кўрсата бошладилар ва асарларининг бош қаҳрамонлари ҳам «ўзон»га синоним бўлган «ошиқлар» эди. XVI асрдан кейин «ошиқлар» сифатида халқ адабиётига кириб келган бу тоифа ижодкорлар ҳозирда ҳам шу ном билан юритилади. «Ўзон» атамаси ҳам яшаб қолди, аммо «ошиқ» ундан янада оммавийроқ эди. Ўзбекистон ва Туркманистонда «бахши» деб юритилган ижодкорларга Туркия ва Озарбойжонда «ошиқ» дейилишининг сабаби ҳам шунда.

XVI асрдан кейин бу ошиқлар ўзларидан олдинги авлод бахшилар куйлаган эпик достонларни, ибора жойиз бўлса, «парчалаб», улардан янги-янги шеърий ҳикоялар чиқардилар. «Дада Қўрқут» достонсимон ҳикояларининг пайдо бўлиши ҳам ана шу анъана билан боғлиқ. Бугунги кунларга «Китоби Дадам Қўрқут ала лисони Тоифаи ўғузон» номи билан етиб келган достонсимон ҳикоялар ичида 12 ҳикоя мавжуд. Бу ҳикоялар бошдан охиригача ўқилганда буюк бир достоннинг бўлимлари экани англашилади. Фақат шу бўлакларга айириш амалиёти шунчалик усталик билан қилинганки, бугун уларни бирлаштирганда эски ягона асарнинг ўртага чиқиши гумон. Бутун бир достондан бир қанча шеърий ҳикоятлар «ясаган» уста ўзон ўз ишини шундай маҳорат билан амалга оширганки, ҳикоятлар мустақил бир гўзал лироэпик асарлар тусини олган.

Демак, Шарқдаги ва Ғарбдаги туркий тамаддунларда XVI асрдан бошлаб ўзига хос бахшилик, ўзонлик, ошиқлик анъаналари вужудга кела бошлаган ва ўтган асрлар давомида ҳар бир анъанада оғзаки адабиётимизнинг гўзал асарлари майдонга келган. Туркистон минтақасидаги бахшилик анъаналарида узоқ асрлар давомида «Алпомиш», «Кунтўғмиш», «Гўрўғли» каби эпик асарлар яратилиб, бойитилиб ва ижро этилиб келди. Анадўли жўғрофиясида эса бундай узун ва эпик асарларга XVI-асрдан кейинги даврда шоҳид бўлмаймиз. Бизнинг ошиқлар ижодида «Карам ва Асли», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Орзу ва Қамбар», «Тоҳир ва Зуҳра» каби ишқий достонлар олд планга чиқди, улар Ўзбекистондаги бахшилар куйлаган қаҳрамонлик эпоси достонларига қараганда қисқа ҳажмли асарлардир. Шу сабабли бу турдаги асарларга Туркияда достон дейилмайди, «халқ ҳикояси» деб номланади. Ошиқларимиз ўртасида сўнгги чорак асрда халқ ҳикояларини куйлаш тобора озайиб бораётганини ҳам афсус билан қайд қилиш лозим. Анадўли жўғрофиясидаги ошиқлар ижоди халқ ҳикоячилигидан узоқлашаётгани ва бадиҳа билан шеър айтиш (термачилик, «қўшма» номи билан юритилади) тобора ёйилаётгани маълум.

Туркистон жўғрофиясида эса бахшилар энг эски даврлардан бери достончилик анъанасини давом эттириб келмоқдалар, кичик жанрларда ижод қиладиган бахшилар ҳеч бир замонда достончи ижодкорлар каби иззат-эътиборга сазовор бўлмаганлар. Каспийнинг шарқидаги ва ғарбидаги халқ оғзаки ижодимиз анъаналарида охирги беш юз йилда юз берган энг муҳим ўзгариш ва фарқлардан бири ҳам шудир.

Туркистондаги бахшилар ва Анадўлидаги ошиқлар чалган мусиқа асбоблари орасида ҳам маълум бир фарқлилик ўртага чиққан. Туркистонда бахшилар моҳирона чалиб достон куйлаган дўмбира, дутор, қўбиз каби чолғу асбобларини Анадўли ошиқлари билмайдилар, бу ҳудудда «соз» ёки «боғлама» машҳур бўлиб, бу мусиқа асбобининг тор ва пардалари бирмунча кенг. Бахшилар достонни бўғиз ва орқа томоқ пардалари билан куйлайдилар, Анадўли ошиқлари эса халқ ҳикояларини ижро этганида бу усулдан фойдаланмайдилар.

Туркистон ва Анадўли халқ оғзаки ижоди анъаналари, усулларида минг йиллик тарих давомида фарқлиликлар ўртага чиққан бўлса-да, бахши ва ошиқларни етиштириб чиқарган адабий-фольклор муҳити, устоз-шогирд муносабатлари, устозга ҳурмат ва шогирдга диққат-эътибор, жамиятдаги халқ оғзаки адабиётига нисбатан ҳурмат хусусида умумият ва ўхшашликлар жуда кўпдир, ҳатто бахшилар ва ошиқлар ўртасида фарқ йўқ, дея оламиз.

XX аср бутун дунё миқёсида анъанавий қадриятларнинг астасекин йўқолиб бораётгани қайд этилган замондир. Бу асрда радио ва телевидениенинг, кининг оммалашгани ва кейинчалик Интернетнинг ривожланиши ҳар бир кишининг эстетик дидига, дам олиш усулига таъсир ўтказди. 1950-йилларгача Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларида ошиқлик анъанаси бирдай мавжуд эди, аммо сўнгги 60-70 йилда шаҳарда бу анъана ҳаётдан сиқиб чиқарилди. Туркиянинг шарқида, жанубида, ички Анадўлида, Чуқурова минтақасида бугунларга қадар ошиқлик санъати яшаб келмоқда. Айниқса, Арзирум, Қарс каби шимоли-шарқий вилоятларда бу анъана жуда жонли, улар маҳаллий ҳокимиятлар тарафидан қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистоннинг кўпгина минтақасида бахшилик анъаналарининг мавжуд эканлиги ва бахшиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани, бу соҳанинг равнақи учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шахсан ғамхўрлик қилаётгани, унинг шафелигида миллий ва халқаро фестиваллар бўлиб ўтаётгани мени бу соҳа мутахассиси сифатида жуда севинтирди. Шу кунларда Алпомиш юрти Сурхонда халқаро Бахшилар фестивалининг бўлиб ўтаётгани бунинг исботидир. Мингларча километр узоқда бўлсам-да, бу фольклор байрамига тайёргарлик ва ўтказилиш жараёнини жуда диққат ва ҳаяжон билан кузатиб бораяпман. Бу фестивални ўтказиш ташаббускори муҳтарам Президент жаноблари, халқларимизнинг ўлмас анъаналарини бугунларгача етказиб келган оловқалб бахшиларимизга қардош Туркиядан туриб алангали салом ва энг яхши тилакларимни йўллайман.

АРЗИРУМ, ТУРКИЯ.

Сўз – фестиваль иштирокчиларига

Магдалина ВАЛДИВАЯ, мусиқашунос (Мексика):

– Ҳар бир халқнинг ўз қўшиғи, халқ оғзаки ижодига асосланган термалари бўлади. Бутун дунёда шундай. Лекин Термизда бўлиб ўтаётган ушбу фестиваль ана шу халқ оғзаки ижодини халқаро даражага олиб чиқди, десам янглишмайман.

Тўғри, турли тилларда куйланадиган термалар маъносини таржима асосида англаб етиш мумкин, лекин бу фестивалда куйланаётган халқ оҳангларига таржимон керак эмас. Ундаги дард, шодлик ва бахт оҳанглари таржимонсиз ҳам қалбларга етиб боради, деб ўйлайман.

Ваня ИЛЬЕВ, мусиқа ўқитувчиси (Сербия):

– Сербиялик ёшлар умумжўрликда айтадиган куй-қўшиқлар кўп. Мен ўзим мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлайман, Кўп йиллардан буён халқ термаларини йиғиб келаман. Бу фестивалда жуда кўп ҳамкасблар, бахшилар билан танишдим, уларнинг қўшиқларини, мусиқаларини ёзиб олдим. Ватанимга қайтгач, серб мусиқа асбобларига дўмбира жўрлигини ҳам қўшмоқчиман.

Бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун Сербияда халқ фольклорига алоҳида эътибор берилади.

Муҳаббат МЕНГЛИЕВА (Туркманистон):

– Термизда ўтаётган фестиваль бу тарихий шаҳарнинг яна бир қиррасини дунёга танитди. Тарихи 3-5 минг йилликларга бориб тақаладиган бу диёрнинг қадимий қалъаларида дунёнинг турли бурчакларидан келган археологлар қазишма ишларини олиб бориб, ўзларининг илк цивилизацияга дахлдор осори атиқаларини топаётгани, Ҳаким ат-Термизий, Мусо ат-Термизий каби кўплаб алломаларнинг ислом оламида таниқли зотлар экани бу заминнинг ҳақиқатан ҳам буюк Ипак йўлида қадимий ва муқаддас қадамжолардан бири эканини билдиради.

Барибир, ўзбек ва туркман халқларининг бахшичилиги, достон ва термалари, ҳатто дўмбира оҳанглари ҳам бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун уларни тинглаб мазза қилаяпман. Бир гуруҳ туркман бахшилари билан келганмиз, улар ҳам фестивалда ўз санъатларини намойиш этадилар.

Канита КОМСОКСАК, журналист (Таиланд):

– Бизда ҳар бир тадбир куй-қўшиқлар билан ўтади. Энг қизиғи, бу халқ термаларини етти ёшдан етмиш ёшгача билади, биргалашиб куйлашади. Фарзанд туғилганда, ёшига тўлганда, маросимларда, ҳатто ишонсангиз, бир инсон вафот этганида унинг ҳам куй-қўшиқ билан сўнгги йўлга кузатишади.. Бу инсон дунё ғам-ташвишларидан қутулди, энди руҳи абадий шод бўлсин, деб куйлашади.

Мен бу ерда ижро этилаётган шарқ халқлари фольклорида аввало, ажиб бир уйғунликни кўрдим. Яна бир нарса мени қувонтирди: оқинлар, жировлар, бахшилар қайси достонни куйламасин, ўз қаҳрамонини кўкларга кўтариб, қилган ишларини ўн чандон, юз чандон бўрттириб мақтаркан. Бу ҳам ёшларни руҳлантиришга бир чақириқ, улуғвор ишларни қилишга, кўпроқ яхшиликлар қилишга даъват сингари ҳар бир қалбга шижоат бағишлайди. Мен ватанимга қайтиб боргач, ана шулар ҳақида китоб ёзмоқчиман.

Карлос Боржес ФРЕЙРА, радиорепортёр (Португалия):

– Халқаро фестиваль ўтаётган майдон гўёки улкан ва бепоён бир театрга ўхшайди. Бир томонда қўғирчоқбозлар, бир томонда дорбозлар, бошқа томонда рақсга тушаётган боболар, момолар, миллий либосдаги қизлар, йигитлар, турли ширинликлар, пазандачилик маҳсулотлари, халқ ҳунармандчилиги намуналарининг намойиши, хуллас, зерикишга вақт йўқ.

Мен ҳар бир соҳа бўйича алоҳида-алоҳида репортаж тайёрлаяпман, суратга тушираяпман. Уларни интернет орқали узатаяпман. Бизнинг ишимизда тезкорлик биринчи ўринда туради, шунинг учун ҳам кундалик олинган суратларни шу вақтнинг ўзида сайтга жойлаштираяпман. Ватанимга қайтиб борганимдан кейин фестиваль ҳақида алоҳида радиофильм тайёрлаш ниятим бор.

Сафар ШАЙДИЛОВ, Термиз бахшичилик мактаби ўқитувчиси:

– Президентимиз Термизга келганида: «Қани момоларимиз айтган эртагу маталлар, топишмоқларимиз, тўйларимизнинг боши бўлган бахшиларимиз қани, нега бундай меросни биз йўқотаяпмиз, ахир эртанги авлодга нени қолдирамиз?», – деб жуда куйиниб гапирган эди.

Термизда бахшилар мактаби бўлишини биз кўп йилларлардан буён орзу қилардик. Мана, ниҳоят, орзуларимиз амалга ошиб, қисқа вақт мобайнида Марказий Осиёдаги ягона бахшилар мактаби фаолиятини бошлади. Албатта, бундан бениҳоя мамнунмиз.

Бугун бу мактабда жуда кўплаб бахшиларимиз иқтидорли ёшларга устозлик қилмоқда. Бахши дегани, аввал мусиқа илмини мукаммал эгаллайди, ижрода куй ва сўз уйғунлигига эришганидан сўнг эл олдига чиқади. Ана шунда у ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини йўқотмасдан, воқеликни оҳангга солиб, дўмбира жўрлигида ўз санъатини намойиш қила оладиган бўлади. Бахшичилигимиздаги яна бир анъана — айтишув санъаткорнинг ижро маҳоратини ошириб, бадиҳагўйлигини, истеъдодини янада сайқаллайди. Бахшичилик мактабида ўқувчиларга сабоқ беришда ана шуларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Самандар ГУЛБОЕВ, бахшичилик мактаби ўқувчиси:

– Мен болалигимдан турли созларни чалишга қизиқаман. Бахшичилик мактабида устозлардан сабоқ олиш билан бирга турли созларда куй ижро этиш бўйича маҳоратимни ошираяпман. Ҳозир дўмбира, сибизға, чанқовуз, най, сурнай, қўшнай каби 12 та асбобда турли куйларни чалоламан.

Устоз бахши Шоберди Болтаевдан дўмбира чалиш, унда оҳанг, бахши овозининг ҳамоҳанг бўлиши сирларини ўрганаяпман. Келгусида бахшичилик санъатини дунёга тарғиб этиш ниятидаман.

Ғолибжон ОРИПОВ, 5 ёшда, ижтимоий тармоқларда дўмбира чалиб чиққан:

– Мен дўмбира чалиб қўшиқ айтишни бобомдан ўрганганман. Ҳозир бир нечта достонлардан парчалар ёдлаганман, дўмбира жўрлигида чет элдан келган меҳмонларга куйлаб бердим. Улар менга совғалар беришди. Катта бўлсам, албатта бахши бўламан.

Нуруллоҳ ДОСТОН тайёрлади.

Дунё тамаддунида бахшичилик санъатининг ўрни

Термиз шаҳрида ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида «Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда маҳаллий ва хорижлик олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар мамлакатимизда халқ оғзаки ижодини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга давлат даражасида қаратилаётган эътибор ноёб санъатимизни улуғлаб, халқимиз, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Анжуманда Франция, Болгария, Россия, Жанубий Корея, Молдова, Туркия, Эрон каби давлатлардан келган фольклоршунос олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирокида бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг Шарқ ва Ғарб маданияти, санъатидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ўзбек ва бошқа халқлар достонларини илмий ўрганиш, ўзаро ижодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Халқаро конференцияда «Бахшиларнинг эстетик қарашлари», «Марказий Осиёда номоддий маданий мерос бўйича халқаро ҳамкорлик: минтақада ICHCAP билан муштарак ишлар мисолида», «Жангарчи – «Жангар» қалмиқ қаҳрамонлик достони айтувчиси, сақловчиси ва оммалаштирувчиси», «Туркий эпосда достон айтиш санъатининг бадиий ва вақтга оид контексти», «Мўғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари», «Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенция рўйхатлари эпик мероси: Ўзбекистон эпик мерос элементлари», «Қирғиз элининг айтишув санъати», «Подшоҳ ва Лала ёки Дахрил ва Зюфрем» гагауз достон эпоси тикланиши», «Тожикларнинг эпик ижоди: ҳозирги ҳолати, сақлаш ва ривожланиш муаммолари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тўра Мирзаев, Жанубий кореялик Сеонг Йонг Пак, россиялик Василий Илларионов, қозоғистонлик Шакир Ибраев ва бошқалар номоддий маданий меросининг ҳаётимизда тутган ўрни, халқларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритди. Аждодлардан мерос қолган халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва ўргатиш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган беқиёс ишларга юқори баҳо берилди.

Конференция иши «Бахшичилик анъанаси тарихи, назарияси ва ижрочилик маҳорати», «Эпос – халқ маънавий меросининг дурдонаси сифатида», «Бахшичилик санъатининг ҳозирги ҳолати ва уни сақлаш муаммолари», «Эпик мерос этномусиқашунослик контекстида» каби мавзулардаги шуъба йиғилишларида давом эттирилди.

Марказий Осиёда қадимдан ривожланган халқ оғзаки ижоди минтақа халқларининг ҳаётий қарашларини мужассам этган. Бахшидостончилик унинг энг муҳим тармоқларидан бўлиб, аждодларимизнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат каби ғояларини таранним этади. Ўзбекистон ҳудудида шаклланган бахшичилик мактаблари анъаналари минг йиллар давомида халқимизни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

– Мен Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерос дурдоналари билан яқин танишман. Жаннатмакон бу юртда кўп марта бўлганман. Бахши, оқин ва жировларнинг достонларни маромига етказиб куйлаганини бу юртда жуда кўп марта тинглаб, ўзгача завқ-шавқ олганман, – дейди Франция Республикаси Илмий изланишлар миллий маркази директори, профессор Жан Дюринг. – Бойсун туманида машҳур бахши Шоберди Болтаевнинг хонишлари мени ўзига мафтун этган. Ўзбек бахшичилик санъати дунёда жуда ноёб йўналиш. Бахшиларнинг достонларни бўғиз орқали куйлашидан ҳайратланаман. Тўғри, бизда ҳам халқ достонлари бор. Лекин уларга бу даражада эътибор, қизиқиш йўқ. Мамлакатингизда дунё бахшилари ва соҳа мутахассислари жамланган бундай нуфузли халқаро фестиваль ташкил этилганидан жуда хурсанд бўлдим. Албатта, бу бошқа мамлакатларга ҳам ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ташаббус.

Халқаро илмий-амалий анжуман бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни ёш авлод онгу шуурига чуқур сингдиришдек эзгу ишларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

Қозоқларда Алпомис, татар ва бошқирдларда Алпамша, уйғур ва олтойликларда Алип Манаш, қирғизларда Манас, ўғузларда Алп Бамси, венгерларда Алпмуш...

Бахшичилик мактаблари

Бахши сўзи, устод, маърифатчи деган маънони англатиши ҳақида Ҳоди Зарифов ёзган эди. Алишер Навоийнинг «Муншаот» асарида «Бир сабоҳдин туш вақтиғача ва пешиндин оқшомгача анча иш қилурларким, неча девон, неча нависанда бахши ва неча парвоначи қила олмагайлар», деб ёзиб қолдирилганки, бу ерда бахши котиб, мирзо маъноларида ҳам қўлланган.

Фольклоршуносликда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Хоразм достончилик мактаблари ҳақида маълумотлар бор. Академик Тўра Мирзаев Нурота, Шеробод, Қамай, Пискент, Жанубий Тожикистон каби яна бир қанча достончилик мактабларини кашф этди.

XIX аср охири XX аср бошларида Самарқандда иккита – Булунғур ва Қўрғон бахшичилик мактаблари мавжуд эди. Бу мактабларда асосан эпик санъат ривожланган бўлиб, улардан даврининг буюк ижодкорлари – Фозил Йўлдош ва Эргаш Жуманбулбул ўғли етишиб чиққанлар.

Булунғур мактаби вакиллари асосан «Алпомиш» каби қаҳрамонлик эпосларини куйлашган бўлса, Қўрғон мактабида асосий эътибор романтик достонларга қаратилган. Табиийки, достонларнинг мазмун-моҳияти таъсирида достон куйлаш усуллари ҳам турлича бўлган. Жумладан, булунғурлик бахшилар асарни ўта анъанавий ва архаик бир тарзда куйлашган бўлса, қўрғонлик ижодкорлар куйлаш усулларида бадиий ранг-баранглик ва поэтик жимжимадорлик етакчи ўрин тутган.

Кейинги мактаб вакиллари ижро этган достонларда араб ва форс-тожик адабиётларидаги образлар, ўзбек халқ китобларидаги сюжетлар ҳам учрайдики, бу нарса авваламбор Қўрғон бахшиларининг мактаб ёки мадраса таълимидан яхшигина хабардор бўлганлигидан, ижролари ёзма адабиёт таъсирига учраганлигидан далолат беради.

Бахшичиликнинг яна бир мактаби XIX асрда Шаҳрисабзда мавжуд бўлган. Унинг ёрқин вакили Абдулла Нурали ўғли (1874-1957) бўлиб, у йирик достончи Ражаб шоирнинг шогирдидир. Бу мактабнинг ўзига хос томони шундаки, бу ердаги бахшилар достонларни шўх, қувноқ, кўтаринки руҳда айтишган, куйларни юқори профессионал даражада ижро этишган.

Ўзбекистон ва Тожикистон жанубидаги бахшиларни бирлаштирган Шеробод достончилик мактаби вакиллари ижро этган «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Оллоназар Олчинбек» каби достонлар юқорида келтирилган достончилик мактаблари вакиллари томонидан ижро этилмаган. Кўплаб шогирдлар етиштирган бахши Шерназар Бекназар ўғли бу мактабнинг машҳур вакили ҳисобланади.

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек лақайлари орасида ҳам ўзига хос бахшичилик мактаби мавжуд. Фольклоршунос олима М.Миркамолова 1961-1966 йилларда Жанубий Тожикистонда ўтказган фольклор экспедицияси даврида ўзбек лақайлари орасида яшаб ижод қилган 114 та соқи (бахши) ҳақида маълумот бериб ўтганки, бу ҳолат маҳаллий ўзбеклар орасида достончилик анъанаси нақадар кенг тарқалганлигидан дарак беради.

Ўзбеклар орасида бахши бир қанча номлар билан аталади. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида юзбоши, созанда, Тожикистоннинг ўзбек лақайлари орасида соқи, Фарғона водийсида сановчи, шунингдек жиров, жирчи, оқин каби номлар билан юритилади. Бундай халқ ижодкорлари бошқа туркий халқлар орасида ҳам мавжуд бўлиб, қозоқларда оқин ва жиров, қирғизларда манасчи, мўғулларда тўлчи, ўғузларда узан дейилади. Тожик фольклоршунослигида халқ эпоси ижрочилари гўянда, ҳофиз ва шоир дейилади, бироқ «Гўрўғли» туркумидаги достонлар ижрочисини достонга қиёсан гўрўғлисаро, деб ҳам аташади.

Йирик ўзбек бахшиларининг номига «шоир» сўзини қўшиб ишлатиш ҳоллари мавжуд. Шоир арабча сўз бўлиб, асосан поэтик асарлар ижодкорлари, лирик асарлар муаллифларига нисбатан қўлланади.

> Энг қадимги ёзув ҳисобланган шумер ёзувида битилган «Гилгамиш» достони «Алпомиш» достонининг қадимги варианти деб фараз қилинмоқда.

Бахшиларнинг бундай аталиши нисбатан кейинги даврлар маҳсули бўлиб, ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижодига кўрсатган таъсири натижаси ҳисобланади.

Бахши халқ достонларини юқори, профессионал даражада асосан дўмбира, шунингдек, қўбиз жўрлигида ижро этувчи, уларни авлоддан-авлодга ўтказувчи халқ санъаткоридир. Бироқ, эл орасида бахши деганда, гоҳида келажакни кўрувчилар ҳам тушунилади. Улар сўзлари ва ғайритабиий ҳаракатлари билан касални гўё дарддан халос қилади. Бундай фаолият усули шомонлик ҳам дейилади.

Шомонийлик қадимги туркийларнинг диний эътиқод шаклларидан ҳисобланган. Унинг асосида ёвуз ва эзгу руҳларнинг инсон ҳаётига таъсир этишига ишонч ётади. «Қўрқут ота китоби»даги Қўрқут ота ҳам уруғ оқсоқоли бўлиш билан бирга қўшиқчи ва айни вақтда элининг келажагидан хабар берадиган шомон сифатида намоён бўлади. Бу нарса ўтмишда бахшилар халқ достонларини куйлаш билан бирга руҳий таъсир кўрсатувчи ва касални тузатувчи вазифаларини ҳам бажарган, деган тушунчани ҳосил қилади. Дарҳақиқат, қирғиз манасчиларининг оғир беморларга, тўлғоғи тутган хотинларга дардини енгиллаштириш учун ҳам достон куйлаганлиги маълум. Шунингдек, туркманлар «бахши» деганда халқ ҳофизини тушунсалар, қозоқлар кинначи-шомонни «бақсу», деб аташган. Ўзбек бахшичилик санъатининг ўзига хос, бошқа жойлардаги ижросига ўхшамаган, алоҳида йўналишга эга бўлган Хоразм достончилиги ва халфачилик санъати ҳам бор.

Алпомиш образи нафақат ўзбек халқ оғзаки ижодида, балки бошқа туркий халқларда, шунингдек, ўзбекларга қўшни бўлган тожик ва маҳаллий араблар фольклорида ҳам турли кўринишларда мавжуд. Бу образ вариантлари туркий халқлар қаҳрамонлик эпосларида эволюцион ривожланишни бошидан кечирган. Жумладан, қозоқларда Алпомис, татар ва бошқирдларда Алпамша, уйғур ва олтойликларда Алип Манаш, қирғизларда Манас, ўғузларда Алп Бамси, венгерларда Алпмуш каби образлардаги талқинлари мавжуд.

Ўзбек «Алпомиш» достонининг ҳозирги ҳолатидаги вариантларининг пайдо бўлганига минг йил бўлса-да, бироқ унинг дастлабки архаик сюжети анча қадимийдир, деган тушунчалар ҳам йўқ эмас. Грекларнинг «Одиссея» достонининг сўнгги таҳрири эрамиздан аввалги 600-йилда, деб қайд этилган. Академик В.Жирмунскийнинг фикрича, грекларнинг «Одиссея» достонида Одиссейнинг қайтиш сюжети Ўрта Осиё «Алпомиш»и сюжети билан боғлиқ. Одиссей билан Алпомишнинг, айниқса қўнғирот версияси шунчалик яқинки, уларни тасодифий ўхшаш дейиш қийин. Энг қадимги ёзув ҳисобланган шумер ёзувида битилган «Гилгамиш» достони «Алпомиш» достонининг қадимги варианти деб фараз қилинмоқда.

«Алпомиш» достони версиялари нафақат Ўрта Осиёда, балки Олтой, Сибирь, Шарқий Туркистон, Кавказорти ва Кичик Осиё туркий тилли халқлар орасида мавжудлигини қайд қилиб ўтдик. Сюжетнинг бунчалик кенг ҳудудга ёйилишида албатта ўзига хос омиллар бўлган. Бунинг асоси сифатида узоқ ўтмишда туркий халқларнинг ушбу кенг ҳудудларда яшаганлигини, шунингдек яшаш манзилини ўзгартириб, улкан музофот узра кўчиб юрганлигини келтириб ўтиш мумкин. Бундай фаолият туркий халқлар орасида нафақат иқтисодий, балки маданий муносабатларни ҳам пайдо қилган, булар замирида оғзаки ижод асарлари ҳам қўшни элатларга оғиздан-оғизга ўтиб, турли даражаларда шакллана бошлаган. Сюжетнинг энг архаик версияларидан бири «Алип-Манаш» Олтой эртагида мавжуд бўлиб, бу сюжет ўзбек «Алпомиш»и каби эволюцияни бошидан кечирмаган ва ривожланмай эртак даражасида қолиб кетган. Шу ерда яна бир масалага муносабат билдириб ўтиш жоиз: ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ версияларига олтой, татар, бошқирд вариантлари бевосита асос бўлган дейиш тўғри эмас. Бироқ достон версияларига асос бўлган «бобо сюжет»ни аниқлаш ва ўша асосида достон версияларининг эволюциясини кузатиш зарурати бу бошқа масала.

Қадимда Сирдарё қуйи оқими ҳудудларида яшаган ўғуз қабилалари ўша ердаги элатлар каби «Алпомиш»нинг «бобо сюжети»ни яхши билишган, чоғи. Қипчоқ қабилаларининг ғарбга қилган юриши ва ўғуз қабилаларининг Кавказорти, Кичик Осиё, Европага қадар силжишлари натижасида Алпомиш (Алип Бамси) ҳақидаги «бобо сюжет» ҳам ўша жойларга бориб қолган ва кейинчалик «Қўрқут ота китоби» таркибидаги «Алпомиш» достонига энг яқин асар бўлган «Бамси Байрак» достонини вужудга келтирган. Кичик Осиёда бу образ Анадўли халқ эртакларидан ҳам ўрин олган. Шуниси қизиқки, Алпомиш образи билан боғлиқ достон ҳозирги венгрларда ҳам мавжуд. Достон қаҳрамони Отилла асарда иккинчи ном Алмуш (Алпмуш), деб аталган.

«Алпомиш» достони қадим тарих қаъридан асрлар мобайнида оғиздан-оғизга, аждоддан-авлодга ўтиб элни эзгулик сари етаклаб, ўзлигини англатиб, маънавий ва жисмоний камол топтириб келмоқда. Бу достон ўзининг барча жиҳатлари билан жаҳоннинг «Одиссея», «Илиада», «Манас», «Маҳобҳорат», «Шоҳнома», «Нибелунглар ҳақидаги қўшиқ», «Қўрқут ота китоби» эпослари каби буюкдир.

Эркин МУСУРМОНОВ,
Самарқанд давлат университети доценти.

Сўз — халқаро бахшичилик фестивали иштирокчиларига

Мард элнинг бахшилари кўп бўлади

Фирдавс ШАРИПОВ,
халқаро фестиваль ишчи гуруҳи аъзоси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Мазкур фестиваль ЮНЕСКО шафелигидаги Термиз шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта. Негаки, бахшичилик санъатига ошнолик, меҳр ҳар бир сурхон фарзандининг қон-қонига сингиб кетган. Шу боисдан ҳам байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун ҳудудда кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишларида барча бирдек жонбозлик кўрсатди. Термиз шаҳри марказида Алпомиш ҳайкали ўрнатилган бўлса, аэропортда янги бино фойдаланишга топширилди. Воҳадаги 40 га яқин туристик масканлар буклетлари, шаҳар харитаси, бахшичилик санъатига оид рисолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилди. Тарих ва маданиятимиздан сўзловчи китоб ва фотоальбомлар чиқарилди. Фаёзтепа, Кампиртепа, Султон Саодат, Ал Ҳаким ат Термизий каби тарихий обидалар таъмирланди. Санъат саройи ҳудудида томошабинлар учун амфитеатр барпо этилди. Кўча ва хиёбонлар, кўпқаватли уйлар ободонлаштирилиб, йўл ва йўлаклар барпо қилинди. Меҳмонлар ва иштирокчилар учун турли маданий тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Миллий созлар, либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари барчага манзур бўлиши муқаррар.

Халқаро бахшичилик фестивалида бахши-шоир, оқин ва жировларнинг чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилади.

Танлов ғолибларига диплом, махсус статуэтка ва пул мукофотлари берилади. Ҳар бир йўналиш бўйича 1-ўрин соҳиблари 10 минг долларни қўлга киритса, 2- ҳамда 3-ўринни эгаллаганлар мос равишда 7-5 минг доллар соҳиблари бўлишади. Шунингдек, «Энг ёш бахшичилик санъати иштирокчиси», «Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи», «Энг яхши чолғу ижрочиси» каби йўналишлар бўйича ҳам рағбатлантирувчи мукофот ва дипломлар топширилади.

Райҳон РАҲИМОВА,
халқаро фестиваль ишчи гуруҳи аъзоси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Сурхондарё инсоният тамаддунида ўзига хос ўрин тутган замин ҳисобланади. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш борасида бугунги кунда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шўрчи туманидаги Далварзинтепа, Термиздаги Фаёзтепа, Деновнинг шимолий ҳудудида жойлашган Қорабоғтепа, Сариосиёдаги Сангардак шаршараси ва бошқа ўнлаб маконлар рўйи-замин сайёҳлари, олимлари ва археологларни ўзига мафтун этмоқда.

Икки дарё оралиғида жойлашган қадим ва навқирон Термизда Халқаро бахшичлик санъати фестивалини ўтказилиши эса бу борадаги хайрли ишларнинг давоми бўлди. Дунёнинг турли қитъаларидан ташриф буюрган меҳмонлар қарийб бир ҳафта давомида халқимизнинг ноёб дурдоналаридан баҳраманд бўлишади. Илк бор ташкил қилинган анжуман сайёҳлик, маънавият ва маърифий соҳалар ривожида ҳам ўзига хос мустаҳкам кўприк бўлишига ишонаман. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонларга қадриятлар мужассам масканга хуш келибсиз, деймиз!

Шоберди БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон Халқ бахшиси:

— Юртимизда Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд, қорақалпоқ бахшичилик мактаблари бор. Булунғур, Шаҳрисабз, Чироқчи, Деҳқонобод, Шеробод, Бойсун ва бошқа туманларда ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудуд бахшиларининг ижро усуллари ва репертуарлари бир-биридан фарқ қилади. Булунғур бахшичилигида қаҳрамонлик достонлари машҳур бўлса, аксарият манзилларда ишқий қиссалар куйланади.

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарини тарғиб қилишда Шеробод-Бойсун мактабининг алоҳида ўрни бор. Анъаналар авлоддан-авлодга ўтишида Ўзбекистон халқ бахшилари Бола бахши Абдуллаев, Абдуназар бахши Поёнов, Боборайим бахши Маматмуродов, Қора бахши Умиров, Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, Шомурод бахши Тоғаев, Зиёдулла бахши Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Қодир бахши Раҳимовлар муносиб ҳисса қўшганлар.

Сурхон тўйларини бахшиларнинг бетакрор достонлари, ажойиб термаю ўзига хос айтишувларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Минг йиллардан сўзлагувчи санъат ўлмас қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тараннум қилади. Элларни бирлаштириб, миллатларни яхшилик, меҳр-оқибат, дўстлик ва биродарликка чорлайди. Шу боис миллий удумларимиз уйғунлашган алёру лапарлар кишиларни мафтун қилади. Соз сеҳрининг бетакор оҳангларига маҳлиё бўлиш табиий.

Президентимизнинг ўтган йил январ ойидаги вилоятимизга ташрифи давомида дилдан суҳбатлашгандик. Давлатимиз раҳбари бахшичилик санъатини ривожлантириш борасида ажойиб таклиф билдирганлари ҳамон ёдимда. Ўшанда юракдан қувонган эдим. Буни қарангки, кўп ўтмай Термиз шаҳрида бахшилар мактаби ташкил қилинди.

Яхши элнинг бахшилари кўп бўлади, дейдилар. Қирқ беш йил давомида ўнлаб шогирд тайёрлаган бўлсам, келажакда уларнинг сафи янада кенгайиши муқаррар. Ўзаро фикр алмашиш, ижодий мулоқотларни йўлга қўйиш албатта ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонаман.

Равшан бахши МАМАТМУРОДОВ,
Халқаро фестивал иштирокчиси:

— Ўзбекистон Халқ бахшиси Боборайим бахши Маматмуродовнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Падару бузрукворимиз куй устаси, моҳир достончи, ички (бўғиқ) овоз соҳиби эдилар. Уч юздан ортиқ достон ва термаларни ёддан билганлар.

Умрбоқий қадриятларимизни тараннум қилувчи бахшилар халқнинг турмуши, маданияти ва юрт тарихини яхши билишлари керак. Сўз ўйинлари, кўчиримлар, мақол ва иборалардан унумли фойдаланиш лозим. Оҳанг топа билиш достону термаларни янада жозибали ва қизиқарли бўлишида муҳим ўрин тутади. Шу боис бахшилардан юксак истеъдод, ўткир идрок, теран нигоҳ ва мустаҳкам сабот талаб қилинади.

Бахшичлик Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа давлатларда ҳам ривожланган. Бахшию оқинлар асосан рубоб, доира, қўбиз, дутор, дўмбира жўрлигида терма ва достонлар айтишади. Айтимларда куй ва овоз мутаносиблиги муҳим ўрин тутади. Шу билан бир қаторда, сўз бойлигига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Шундагина дўмбиранинг сеҳрли овози кишини мафтун қилади.

Биласизми, ўтган асрнинг охирларида тўйларимиз бахшиларсиз ўтмаган. Тунни тонга улаб айтилган терма ва достонлар давраларга файз киритган. Аммо кейинги йилларда уларнинг сони бироз камайганди. Президентимизнинг тарихий қарорлари эса бу борада ўзига хос янгилик бўлди. Бундан кейин кўплаб ёш бахшилар етишиб чиқади, деб ишонаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.

Академиклар ёшлар билан учрашди

ТАДБИР

Тошкент Педиатрия институти лицейида лицейнинг собиқ медалистлари ва кимё фанининг фидойилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг таниқли академиклари Бахтиёр Иброҳимов, Абдулаҳад Жалилов, Мирзиёд Мирсаидов, Ҳожимурод Кимсанбоев ва Бакир Зариповлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда лицейнинг профессор-ўқитувчилари, жаҳон фан олимпиадалари ғолиблари ва фаол ўқувчилари иштирок этишди.

Лицей директори Ортиқбой Эшонқулов учрашувни кириш сўзи билан очаркан, бугунги мураккаб таҳликали замонда ёшларимизда илм-фанга қизиқишни ошириш, уларни ёт ғоялардан асраш, ватанпарвар, мард ва жасур, маърифатли авлод этиб тарбиялашда бундай тадбирлар муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида тўхталди.

Ўз навбатида эса академиклар лицейда таълим олаётган ўқувчилар келгусида етук олим ёки етук мутахассис бўлиши учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Учрашув ўқувчилар билан ўзаро мулоқот руҳида ўтганлиги боис уларни қизиқтирган қатор саволларига жавоб берилди.

— 2008 йилдан буён академик лицейимизнинг 49 нафар ўқувчиси кимё фани бўйича Халқаро ва Жаҳон фан олимпиадаларида 6 олтин, 12 кумуш ва 31 та бронза медални қўлга киритган, — дейди **лицей директори Ортиқбой Эшонқулов.** — Дастлаб академик лицейда ўқувчилар ўртасида ички олимпиада ўтказамиз. Мазкур билимлар баҳсида биз олдинги халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида фойдаланилган масала ва мисолларни ўқувчиларга ҳавола этамиз. Гуруҳ ва босқичлар ўртасида бўлиб ўтадиган бу беллашувда ҳар бир ўқувчининг масала ва мисолларни қандай ечганига қараб ёш олимпиадачилар гуруҳини шакллантирамиз. Мазкур махсус гуруҳ билан машғулотни тажрибали ўқитувчиларимиз ҳамда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари олиб боришади. Бундан ташқари, биз Москва давлат университетининг кимё факультети билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Кимё фанининг тегишли йўналишлари бўйича ушбу олий ўқув юртидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ташриф буюриб, сараланган гуруҳда дарс ўтади. Бундай мақсадли саъйи-ҳаракатлар эса амалда ўзининг кутилган натижасини бериб келмоқда.

— Сўнгги ўн йилда кимё фани бўйича жаҳон олимпиадаларида республикамизнинг барча лицей ва мактаблари жами 5 та медал олган бўлса, бу лицей ўқувчилари 12 та медал соҳиби бўлган, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Мирзиёд Мирсаидов.** — Буларнинг 2 таси олтин, 2 таси кумуш ва 8 таси бронза медаллардир. Шунингдек, охирги ўн йилда Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, республикамиз ўқувчилари олган 70 медалнинг 43 тасини шу лицей ўқувчилари қўлга киритган. Бундан ташқари, ўтган йил ушбу лицей учун омадли келди, дейиш мумкин. Чунки, Цингапурда ўтказилган жаҳон олимпиадасида 1 олтин, 1 кумуш ва 4 та бронза медалини, шунингдек, Словакия ва Чехияда ўтказилган олимпиадаларда 2 бронза, Минск шаҳрида ўтказилган Менделеев олимпиадасида 1 кумуш ҳамда 3 бронза медалини қўлга киритишди. Яқин кунларда мазкур академик лицейнинг ёш кимёгар ўқувчилари навбатдаги халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида иштирок этишади. Улар бу олимпиадаларда ҳам муносиб қатнашишларига шубҳа йўқ.

Шунингдек, тадбирда академиклар Фанлар академияси лабораторияларида амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқувчиларга йўлланма топшириш ҳамда келажакда академик лицей ўқувчилари учун замонавий кимё ва биология лабораторияларини жиҳозлаш 2019 йил йўл хариталарига киритилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Қонунларнинг бевосита ижодкори халқ бўлиши керак...»

Халқ борки, давлат бор

Ҳуқуқни чеклайдиган, йўл очиш ўрнига тўсиқ қўядиган ҳужжатларни энди замон ҳам, халқ ҳам қабул қилмайди

Яқин-яқингача «парламент қонун лойиҳасини қабул қилмасдан орқага қайтарибди», деган гапларни деярли эшитмасдик. Айрим муроса қилиб бўлмайдиган масалаларда фикри, қатъий нуқтаи-назарини билдирган депутатлар хушланмас ёки бўлмаса, қўллаб-қувватланмасди. Бундай муҳитнинг салбий таъсири бутун мамлакатда сезиларди.



Фикр билдиришдан ийманиш, бирон воқеага қўпнинг олдида муносабат билдиришдан тортиниш, давлат мулозимларига қарши фикр айтишдан чўчиш халқ ва миллат сифатида юксалишимизга халақит қилаётган иллатларнинг энг каттаси, десак, ҳаққимиз кетмаса керак. Эрта-индин тараққиётимиз, ҳаётимиз қандай даражада бўлиши фикрлар эркинлиги ва хилма-хиллиги масаласи билан узвий боғлиқ. Фикр йўқ жойда ўсиш ҳам бўлмайди. Бу мураккаб мавзу, битта мақола доирасида унинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш мумкин, холос.

Ўтган йили апрель ойида парламентда ер ости сувларидан рухсатсиз сув олганлик учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилган қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланмагани ҳақида мақола берган эдик. Лойиҳага кўра, сув қудуқларини рухсатсиз қазганлик учун фуқароларга жарима жазоси белгиланиши керак эди. Парламент вакиллари бу ҳужжатга қарши чиқди. Нимага? Чунки бу ҳужжат ҳаётий вазиятни билмасдан тайёрланган эди.

Тасаввур қилайлик, бир қишлоқда ёз ва куз ойларида оқава сув умуман узилади. У ерда одамларнинг бор умиди томорқадаги емишлик экин ва 4-5 туёқ мол-ҳолга боғланиб қолган. Нима қилиш керак? «Сув йўқ!», деб дод-вой солган билан муаммо қисқа муддатда ҳал бўладими? Йўқ, албатта. Бундай вазиятда аҳоли бир-икки мол-полини сотиб, тезлик билан қудуқ қазишга мажбур бўлади. Худо бериб, сув тезроқ чиқса чиқди, бўлмаса, қудуқ чуқурлашган сари нархи ҳам ошиб кетаверади... Амал-тақал қилиб одамларнинг энди оғзи сувга етганида қишлоқда сув йўқ пайтларда қорасини ҳам кўрсатмаган мулозим қовоқлари солинган ўта жиддий қиёфада дарров етиб келади, «мана бу қонуннинг мана бу моддасига кўра жавобгарсиз», деб туриб олади, гўё одамларнинг устидан кулгандай бўлади...

Хуллас, ўшанда депутатлар аҳолини барқарор ва доимий сув билан таъминламасдан жавобгарлик белгиланиши норозиликларга сабаб бўлиши мумкинлигини тўғри тушунтиришга уринишган, бу масалада қонун қабул қилишдан олдин тарғибот ишларини кучайтириш зарур, деган қатъий хулоса берган эди.

Мана шундай ҳолатларда қонунларнинг ҳаётдаги вазиятга мос бўлиши жуда зарур экани ойдинлашади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қонунларнинг бевосита ижодкори халқ бўлиши кераклиги ҳақида айтгани бежиз эмас, албатта. Бу ўринда масаланинг аҳамияти ва юқорида келтирилгани каби нозик жиҳатлари ҳисобга олинган.

Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида парламент аъзоларининг халқ манфаатларини кўзлаб фикр юритиши, муносабат билдириши халқ фикрининг қудрати ошишида катта аҳамиятга эга.

Маълум ҳудуд ёки жамият миқёсидаги муҳим масалалар бўйича фикр билдирмоқчи, таклиф бермоқчи бўлган кишиларга йўл очилиши ўта муҳим масала. Тўғридан-тўғри мулоқотлар, сайёр қабуллар, сайёр учрашувлар, ижтимоий тармоқлар фикр айтиш, муносабат билдиришга қулай шароит ярата бошлади. **Жамиятда фаоллик ошгани кимларгадир ёқмаётган бўлиши мумкин. Аммо халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлиши учун фикрлай олиш, гапира олиш қобилияти ҳамма нарсадан кўпроқ зарур.** Бу ҳақда узоқ ваъзхонлик қилишга зарурат йўқ, дунё улуғлари керакли гапларни айтиб кетган.

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Конституциямиздаги ана шу юксак қоидага мувофиқ давлат идораларининг қарор қабул қилиш, тартиб-таомилларни белгилаш жараёнида масъулияти ошяпти. Жамоатчилик фикри мулозимларни шунга ундаб турибди. Ҳукумат, маҳаллий ҳокимликлар ишлаб чиққан ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши катта самара бера бошлади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган ҳужжат лойиҳаси ҳақида тезкор фикрлар билдириляпти. Давлат идоралари, олимлар, турли соҳа мутахассислари ва амалиётчилар ўртасида мулоқот муҳити юзага кела бошлагани мамлакатда ҳар томонлама ижобий муҳитни юзага чиқармоқда. Аввалига жамоатчилик фикрига деярли эътибор қаратилмаган бўлса, эндиликда бу жараён ҳам ижобий томонга силжишни бошлади.

Гарчи кўп бўлмаса-да, бунга аниқ мисоллар бор. Ўтган ойнинг бошида regulation.gov.uz сайтига Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинадиган мева-сабзавот ҳамда текстиль маҳсулотларининг контракт қийматини мониторинг қилиш тўғрисида низом лойиҳаси жойлаштирилди. Орадан кўп вақт ўтмасдан, Korzinka.uz супермаркетлари тармоғи раҳбари Зафар Ҳошимов ва бошқа кўплаб юртдошларимиз ушбу ҳужжат лойиҳасига ижтимоий тармоқларда муносабат билдириб чиқди.

Зафар Ҳошимов, жумладан, шундай деганди: «...Давлатимиз қатъий равишда экспортга нархларни белгилаш ғоясига мунтазам қайтаётгани кўпчилик қатори мени ҳам ҳайратлантирмасдан қўймаяпти, рости... **Ўтган йили жуда яхши гилос ҳосили бўлди. Боғбонлар тўкин-сочин мавсум илинжида жуда хурсанд эди. Бироқ давлат гилоснинг 1 кг. ни 4 доллардан паст нархда экспорт қилишни тақиқлаб қўйди.** Аммо гилосга белгиланган нархнинг ташқи қоньюнктураси мутлақо бошқача бўлган. Мен ўзим шахсан Россиядаги супермаркетда 1 кг. гилос учун 190 рубль (3$) тўлагандим. Шундан келиб чиқадики, Москвадаги чакана савдода гилоснинг килоси 3$ эди, мансабдорларимиз эса уни 4$ дан паст нархда экспорт қилишни маъқул қилишган...»

Ўша ҳужжат лойиҳасига кўра, экспорт нархлари шакллантирилиши устидан назорат ўрнатиш, мева-сабзавотлар ва тўқимачилик маҳсулотлари бўйича «тавсия этиладиган» экспорт нархларини белгилаш таклиф қилинди. Бу боғбонлар, деҳқону фермерлар, тадбиркорлар ҳамда экспертларнинг кескин норозилик ва эътирозларини келтириб чиқарди. Март ойининг охирги кунларидан бирида Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ишбилармонлар ва экспертлар билан мулоқотдан сўнг, ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан олиш, яъни уни қабул қилмаслик ҳақида хулосага келди.

Бу воқеа давлат ташкилотларига ҳамма нарсани назорат қилишга уриниш билан обрў топиб бўлмаслиги, тўсиқ қўйиш эмас, шароит яратиш кераклиги, «билганимча иш тутаман», деган ўй билан юриш катта хато экани ҳақида ўзига хос «сигнал» бўлиши керак. Ўтган йили юртимизнинг жуда кўплаб қишлоғу маҳаллаларида етиштирилган олтинга тенг мўл ҳосил нотўғри қарорлар оқибатида сотилмай увол бўлгани, бундан халқимиз катта жабр кўрганидан сабоқ чиқарилмагани кўриниб турибди. **Вазирлик ва давлат идораларида ишлаётган мутахассислар ҳалиям ҳудудлардаги реал ҳаётни тўғри тасаввур қила олмаётгани, ҳужжатлар халқни қийнаши эмас, унга ёрдам бериши лозимлигини англаб етмаётгани сезилиб қоляпти.** Бўлмаса, битта масалада кетма-кет бюрократик ҳужжатлар тайёрланаётганини қандай изоҳлаш мумкин?..

Яқинда Адлия вазирлиги сайтида шундай хабар чиқди: «Давлат божи ставкаларининг 4-бандига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига ... қўйилган эди. Лойиҳада Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлмаган шахслар томонидан кўчмас мулк сотиб олинганда ундириладиган давлат божи билан боғлиқ масалалар назарда тутилган эди. Давлат божи ставкаларини комплекс кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб ҳамда прописка масаласида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласи қўшимча ўрганилаётганлиги сабабли лойиҳа жамоатчилик муҳокамасидан олиб ташланди».

Нега бирданига бундай бўлди? Ҳужжат лойиҳаси тайёрлаб жамоатчилик муҳокамасига қўйилганидан кейин нимага қўққисдан фикр ўзгариб қолди?..

Бу саволларга жавобни фаол ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев Телеграм ижтимоий тармоғидаги «Xushnudbek.uz» гуруҳида (76 мингга яқин ўқувчиси бор) ёзган айрим фикрлардан топиш мумкин. Гап шундаки, ҳуқуқшунос ҳужжат лойиҳаси эълон қилингач тезкор ва кескин муносабат билдирган эди:

«... лойиҳадаги кейинги таклиф бевосита Ўзбекистон фуқаролари учун тааллуқли. Аниқроғи Ўзбекистон фуқароларига янада қийинроқ, янада оғирроқ шартлар ҳақида гап кетяпти. Лойиҳага кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан умумий мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган тақдирда, уларнинг ҳар бири белгиланган ставкада давлат божи тўлаши таклиф қилинмоқда. Белгиланган ставка эса уй нархининг 5 фоизи...

...Тепадагилар мундоқ қарашса, халққа енгил бўлиб кетяпти. «Нимага 3-4 киши пул қўшиб, уй сотиб олиб, осонгина прописка олиши керак?» деган саволни беришган. Ва бунга жавоб сифатида ушбу лойиҳани ишлаб чиқишган, менимча. Лекин уларнинг бирортаси «Нимага Ўзбекистон фуқароси ўз юртида пропискани «сотиб олиши» керак?» деган саволни ўйлаб кўрдимикин, қизик?..»

Вазирлик бир кишининг фикри ёки муносабати билан ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан олиб ташлаши қийин бўлса керак, албатта. Аммо «прописка сотилиши» Конституцияга зид экани ҳақида ўзимизда ҳам, дунёда ҳам фикрлар кўп. Мен шундай фикрловчилар томонидаман. Чунки Президент Фармони билан 2018 йилги давлат дастурида пропискаси йўқ фуқаролар ҳам иккиламчи бозордан уй сотиб олишига рухсат берилиши белгиланган бўлсада, бу талаб ҳалигача ҳажрилмаган. Вазирлик бу масалага муносабат билдирмаган...

Халқ фикри – қудратли куч. Халқ борки, давлат бор, муҳр ва лавозимларнинг маъноси бор.

Таскин берадиган ҳолат шундаки, айрим давлат ташкилотлари жамоатчилик фикри билан ҳисоблаша бошлади, танқидий фикр асосида ишлашни ўрганаяпти. Бу бизнинг жамият учун муҳим ва характерли янгилик.

Халқнинг фикрини эшитмаган, орзу-интилишларини илғамаган давлат мўрт бўлади, ойналари қорайтирилган уловларда юрадиган мулозимлар ҳаётдан узоқлашади, давлатнинг бирдан-бир манбаи халқ эканини унутиб қўяди, оқибатда оёғи ердан узилади. Бу масалада узоқ ва яқин ўтмишдан мисоллар оз эмас.

Фикр кўп, қарашлар хилма-хил бўлган жамият том маънода юксалиб, ривожланади. Халқ ва миллат фикридан ибрат ва қувват олиб яшаган давлатгина қудратли бўлади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ.

Ўрганишлар муаммоларга ечим бўла олаяптими?

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ВА ВАЗИРЛИКНИНГ СОХТА МАЪЛУМОТИ

Жорий йил 27-31 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари 83-Паркент сайлов округида сайловчилар билан мулоқотлар ўтказди. Ундан олдин ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари ўрганиб чиқилди. Жумладан, Новдак қишлоғидаги янги қурилаётган қишлоқ оилавий поликлиникаси туман ҳокимлиги томонидан мебеллар билан жиҳозланадиган бўлди. Сўқоқ қишлоқ оилавий поликлиникаси таъмирталаблигидан аҳоли шикоят қилганди. Туман ҳокимлиги ҳомийлар топган, бугунги кунда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Икки мактабни 2020 йил дастурига киритиш. Эски мактабгача таълим муассасасини мактабгача таълим вазирлиги балансига олиш ва фаолиятини тиклаш масалаларида таклиф таёрланди. Умуман учрашувларда 87 масала кўтарилган, шундан 64 таси жойида ижобий ҳал этилган.



Юқори Чирчиқ туманида хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар иттифоқи фаоллари билан учрашувлар ташкил этилиб, қонунлар муҳокама қилинди. Фаоллардан вояга етмаганлар масалалари бўйича тадбиркорликка оид таклифлар олинди. Дастурнинг ижроси ўрганилди.

— Ҳудудларга бориб, аҳоли орасидаги муаммоларни ўрганяпмиз, уларга ечим топишга кўмаклашяпмиз. Бироқ тизимли равишда ёндашилмас экан, камчиликлар бартараф бўлмайди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев.** — Масалан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш кечиктириб бўлмас масаладир. Соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган, юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ҳамда болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кучайтириш муҳим саналади.

Булар ҳақида кўп ва узоқ гапириш мумкин. Аммо қуруқ гап билан ҳеч нима ҳал бўлмайди. Ҳудудлардаги муаммолар ўрганилиб, умумий масалаларда ўзаро келишилган ҳолда ечим топиш зарур.

— Қўқон шаҳар Истиқлол кўчасида жойлашган 1-ўрта таълим мактабида 2200 нафар ўқувчи бўлиб, 62 та синф мавжуд, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров.** — Ўқувчилар икки сменада ўқитилади. Синфларда меъёрдагидан ортиқ ўқувчи ўқийди, мактабнинг спорт майдончаси таъмирга муҳтож. Бу каби ҳолатни бошқа мактабларда ҳам учратиш мумкин.

Масалан, 3-ўрта таълим мактаби капитал таъмирланган, бинонинг иккинчи қаватидаги 4 та синф қаровсиз аҳволда, яъни акфа ромлар ўрнатилмаган. Таъмирлаш ишлари Ёзёвон туманидаги «Мустақил қурилиш транс» МЧЖ томонидан олиб борилган. Лойиҳа қиймати 225 миллион сўмни ташкил этади. Мактаб ва шаҳар халқ таълими бўлими рахбариятининг мурожаатлари ҳозирги кунгача ҳеч қандай натижа бермаган.

Жорий йилнинг 28–31 январь кунлари Қўқон шаҳрининг Муқимий шаҳарчасида жойлашган Мурувват уйида ўрганишлар жараёнида аниқландики, у ердаги сув иншооти бир неча йилдан бери носоз ҳолатга келиб қолган. Канализация тизимида ҳам кўплаб муаммолар борлиги ҳақида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Салиевга 12 февраль куни мурожаат этилганди. Вазирликнинг 20 мартдаги жавоб хатида барча камчиликлар бартараф этилгани ҳақида маълумот берилган эди. Март ойининг охирида Мурувват уйига бориб, бажарилган ишлар сифатини кўрмоқчи бўлдик. Бироқ умуман ҳеч қандай иш бажарилмагани, вазирлик сохта маълумот берганига гувоҳ бўлдик.

Халқ вакиллари юборган сўровларга айрим мутасаддиларнинг бепарво муносабати ҳамон давом этмоқда. Аслида депутат кўтараётган муаммо тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари масъуллигидаги соҳага бевосита дахлдор. Уларнинг ечимидан депутатдан кўра аввало масъуллар манфаатдор бўлиши керак эмасми?

Депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсиқ бўлган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавобгардир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайлов — 2019

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди

Жорий йилнинг 6 апрель куни фуқаролар йиғинлари раислари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди.

Тадбирда Республика комиссиясининг аъзолари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оқсоқоллар сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий комиссиялар раислари ва аъзолари, номзодларни саралаб олишга кўмаклашувчи минтақавий республика ишчи гуруҳлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссиялари раислари ва аъзолари, маҳаллаларда тузилган Ишчи гуруҳлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосарининг оқсоқоллар лавозимларига тавсия этилаётган номзодларни саралаб олишга кўмаклашувчи минтақавий республика ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Бундан ташқари, йиғилишда жорий йил май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ижроси масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, оқсоқоллар сайловини очиқ-ошкора, шаффоф ва адолатли ўтказиш мақсадида ҳукумат даражасида аниқ вазифалар белгилаб олинди. 7 та минтақавий Ишчи гуруҳи тузилгани, сайловни ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссиясининг аъзолари ҳудудларга амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктирилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи 214 та ҳудудий комиссия, ишчи гуруҳлар бугунги кунда сайловни юксак даражада ўтказиш учун муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу кунга қадар маҳаллаларда 1 млн. 700 минг нафар киши иштирокида янги таҳрирдаги Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонун мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтиришга қаратилган 26 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди. Республика комиссияси ташаббуси билан мамлакат бўйича 11 минг нафардан зиёд сайлов ташкилотчилари учун минтақавий семинар-тренинглар ташкил этилди. Маҳаллалар кесимида сайлов ҳуқуқига эга бўлган 20 млн. 812 минг нафардан зиёд фуқаролар рўйхати шакллантирилди.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини тизимли равишда ёритиб бормоқда. Теле- ва радиоканалларда, босма ва интернет нашрларида 2 мингдан зиёд материаллар эълон қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда Сенат Кенгаши томонидан тузилган Республика комиссияси саъй-ҳаракати билан ана шундай ишлар амалга оширилганига қарамасдан, айрим мутасаддиларнинг сусткашлиги, масъулиятсизлиги Ўзбекистон фуқаролари учун муҳим ҳисобланган тадбирга тайёргарлик кўришда камчиликлар мавжудлигига сабаб бўлаётганлиги қайд этилди.

Хусусан, деярли барча ҳудудларда сайлов бевосита ўтказиладиган манзил ва объектлар рўйхатини шакллантириш ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган вилоят ва туман, шаҳар даражасидаги комиссияларнинг эътиборсизлиги оқибатида аксарият ишчи гуруҳлар раҳбарлигига сайлов қонунчилигидан, бу тадбирнинг моҳиятидан деярли бехабар шахслар тайинланганлиги айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, баъзи вилоят ва туман, шаҳарларда шу пайтга қадар тегишли комиссияларнинг масъул котиблари ҳам тайинланмаган. Бу масалага Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳамда Тўрақўрғон, Косонсой, Амударё, Кегейли, Беруний, Нуробод, Ургут, Пахтачи туманлари ва Самарқанд шаҳрида мутлақо эътибор қаратилмаган.

Айрим ҳудудий комиссиялар янги таҳрирдаги Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишда масъулиятсизликка йўл қўйган. Хусусан, бундай ҳолатлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида кузатилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнини танқид ва таҳлил қилиш руҳида ўтган тадбирда ҳар бир комиссия аъзосига жойларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чоралар кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари ҳақида Республика комиссиясини жорий йил 15 апрелга қадар хабардор қилиш топшириғи берилди.

Йиғилишда аҳолини сайлов ҳақида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини янада фаоллаштириш мақсадида бошқа аниқ вазифалар ҳам белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

Табиий бойликлар бир кун тугайди. Демак, атом электр станциялари қуриш вақти келди.

Атом электр станцияси:

Хавотирга асос йўқ

Санжар ШОТУЛАҒАНОВ олган суратлар.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтида «Ўзбекистонда атом электр станцияси қурилиши ва унинг хавфсизлиги масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президенти Бехзод Йўлдошев, академиклар, Ядро физикаси институти мутахассислари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Ядро физикаси» кафедраси ҳамда институтнинг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очар экан **институт бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Нуриддин Нарматов** Президентимизнинг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аҳамияти ҳақида гапириб берди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар атом энергиясининг афзалликлари, мамлакатимизда қурилаётган атом электр станциясида хавфсизликни таъминлаш, бу борада Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ билан ҳамкорлик масалалари, ушбу йўналишда таълим тизимининг такомиллашуви, ядровий-муҳандислик фанлари, қурилиш саноати ва энергетика тизимининг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиши ҳақида атрофлича сўз юритди.

— 2018 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида мамлакатимиз ҳудудида атом электр станциясини қуриш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президенти Бехзод Йўлдошев.** — Унга асосан Ўзбекистонда «3+» ВВЭР-1200 замонавий авлод станциясини қурилиши ҳамда биринчи энергоблокни 2028 йилнинг охиригача ишга туширишмўлжалланмоқда. Яна шуни айтиш мумкинки, ўтган қисқа давр мобайнида ушбу стратегик йўналишда кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди, «2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш Концепцияси» ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди. Бундан ташқари, ихтисослашган кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди, атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш, энг аввало, мамлакатимизда атом энергетикаси соҳаси, тиббиёт ва қатор бошқа йўналишларда ривожланиш белгиланди. Қолаверса, «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, АЭСларда ёнғинлар содир этилиши ва ривожланишини моделлаштириш услублари, уларнинг АЭС конструкциялари ва ускуналарига таъсирини баҳолаш усуллари, илмий асосланган ёнғинга қарши профилактик чора-тадбирлар ўрганилмоқда.

— Давра суҳбатида атом электр станцияси қурилиши лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу иншоотнинг ишлаш механизмлари, ташкилий жараёнлар ҳақида содда тилда тушунтириб берилди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти катта илмий ходими Жалолиддин Нурмуҳаммадов.** — Атом электр станциясининг қурилиши мамлакатимизни экологик тоза электр энергиясига бўлган талабини қондириш, табиий фойдали қазилмаларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида қўйилган муҳим тарихий қадам бўлади, деб ҳисоблайман. Табиий бойликлар бир кун тугайди. Демак, атом электр станциялари қуриш вақти келди. Чунки аҳоли сонининг кундан-кунга ошиб бориши, иқтисодиётнинг тараққий этиши ўз-ўзидан электр-энергияга талаб ортишига олиб келади. Зеро, электр энергиясиз ривожланиш бўлмайди.

Тўғриси, тадбирдан олдин менда атом электр станцияларининг портлаши ёки ёниши натижасида келиб чиқадиган фожиалар, жумладан, радиациядан нурланиш оқибатида наслдан-наслга ўтувчи касалликлар, кўриладиган моддий ва маънавий зарарлар ҳақида хавотирли ўйлар, саволлар бор эди. Академия Президенти шу каби ҳалокат сабабларини илмий нуқтаи-назардан тушунтириб берганидан кейин мендаги ушбу безовталик йўқ бўлди.

— Мен бугун атом электр станцияларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари тўғрисидаги тушунчага эга бўлдим, — дейди **Ёнғин хавфсизлиги институтининг 5-босқич курсанти Сардор Сапоев.** — Бундан ташқари, атом электр станцияларининг зилзилабардошлик хусусиятлари, уни ташкил қилган конструкция ва ускуналар, ёнғинлар ривожланишининг эҳтимоллиги ва улар орқали хавфли омиллар тарқалишининг олдини олиш, бу борадаги илмий асослар тўлиқ тушинтириб берилди.

Юқоридаги фикрлардан билиш мумкинки, давра суҳбати тингловчи ва курсантлар учун фойдали бўлди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармонига асосан ўзбошимчалик билан қурилган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинган.

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш

комиссиялари 200 минг мурожаатни кўриб чиқиш муддатини бузган, 35 минг ҳолатда эса ҳокимликлар қарор қабул қилмаган!.. Одамларни асоссиз овора қилган...

Мазкур Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарорига асосан жойларда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мазкур Қарорга асосан фуқаролар ёки унинг қонуний вакили ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

мурожаат этувчининг паспорти нусхаси;

мурожаат этувчининг оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари.

Мурожаат этувчидан бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Аризани кўриб чиқиш учун давлат хизматлари маркази томонидан йиғим ундирилмайди, фақатгина бир марталик акция доирасида энг **кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида йиғим** тўланади.

Маълумотларга қарайдиган бўлсак, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига фуқаролардан мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан **500 мингдан** ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **200 мингга яқин** ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқи берилган.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, бу борада, мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича жойлардаги комиссияларнинг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди.

Шу билан бирга, комиссия аъзолари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳанузгача муддат бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Жумладан, комиссия аъзолари ҳисобланган кадастр, қурилиш, ички ишлар, солиқ, экология, ёнғин хавфсизлиги, санитария идоралари томонидан 200 минга яқин мурожаатни кўриб чиқишда белгиланган муддатлар бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Энг ачинарлиси, комиссиянинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган жами 35 мингдан ортиқ мурожаат юзасидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича қарорлари қабул қилинмаган. Бу эса, фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу борада энг кўп муддат бузилишларни **Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё** вилоятлари ва **Тошкент шаҳрида** кузатиш мумкин.

Бундан кўринадики, Фармон ва қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан етарлича тарғибот тадбирлари амалга оширилмаган ҳамда комиссиялар фаолияти устидан таъсирчан ва тизимли назорат етарли даражада ўрнатилмаган.

Ушбу ҳолатлар Фармондан кўзланган муҳим мақсадларни амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Адлия вазирлиги жойларда Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатъий назоратни олиб бормоқда.

Мисол учун, бугунги кунга қадар аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган 295 нафар комиссия аъзоси интизомий жавобгарликка тортилган. Шундан, **33** нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган бўлса, 854 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Ҳурматли фуқаролар бир марталик акция муддатининг тугашига бор йўғи **20** кундан ортиқ вақт қолмоқда.

Фармон қабул қилингандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар эътироф этилмайди.

Шундай экан, давлатимиз томонидан берилган бу имкониятдан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланишлари учун мутасадди идоралар ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндошишлари талаб этилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5421-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 461-сон Қарори ижросига масъул бўлган ташкилотлар масъулият билан ёндашади ва албатта фуқароларнинг оворагарчилигига чек қўйилади, деб умид қиламиз.

Узакберген ЖАКСИМУРАТОВ,
Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, «Ҳуррият» газетаси Бош муҳаррири Абдурасул Жумақуловга отаси
Парда бобонинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эълон

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»
масъулияти
чекланган жамияти

2019 йил 8 май куни очиқ аукцион савдолари ўтказилишини, ўтказиладиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 62-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг капитал таъмирга муҳтож, 2005 й. и/ч, д/р 01/515 ZEA, бошланғич нархи 23176000 сўм бўлган «Ласетти», 2007 й. и/ч, д/р 01/418 CCA, бошланғич нархи 17079000 сўм бўлган «Нексия», 1998 й. и/ч, д/р 01/525 ZEA, бошланғич нархи 10351000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилишини маълум қилади.

Аукцион савдолари соат 10-00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан аввалги иш кунида соат 18-00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталаларнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар. Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 62-уй. Алоқа телефони (+998 95) 143-69-97 электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, 2019 йил апрель ойида ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент вилоят ҳокимлигига қарашли 1996 й. и/ч, д/р 01/563 LCA бўлган «ГАЗ-31029» — 1600000 сўмга, 1993 й. и/ч, д/р 01/216 TCA бўлган «УАЗ-3303» — 1900000 сўмга, 2001 й. и/ч, д/р 01/229 EDA бўлган «Тико» — 2800000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05

«Меҳр-муҳаббатга лойиқдир асли — меҳру муҳаббатни қадрлаган зот»

ХОТИРА

Тоғнинг пурвиқорлиги ундан узоқлашганинг сайин юксалиб, бутун бўйи-бастини кўрсатиб боравергани сингари ҳаётда шундай инсонлар бўладики, бу ёруғ дунёни тарк этиб кетганидан сўнг, вақт ўтавергани сайин улар қадр-қиммати, улуғворлиги юксалиб бораверади. Мустақил Ўзбекистон давлати мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ана шундай суюкли сиймолардан саналади, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, устоз шоир Абдулла Ориповнинг бутун ҳаёти ва ижоди ўзбек халқининг дарди, армонлари, орзу умидлари, қувончлари билан чамбарчас боғланган эди. У халқ дарди қуйчиси эди, бу дардни алам, дард, исён билан ёзарди, ёниб-ёниб ёзарди. Унинг асарлари рус, инглиз, болгар, турк, украин, туркман, озарбайжон каби кўплаб тилларга таржима қилинган.

Абдулла Орипов Калифорния (АҚШ) Фан, таълим, саноат ва санъат халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси. Япония Сока университети профессори, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир ҳайъати аъзоси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати эди.

Ҳар йили 21 мартда халқимиз Наврўз байрамини нишонлайди. Шу куни кўплаб ижодкорлар Абдулла Ориповнинг Дўрмондаги уйига ошиқарди, эрталабдан кечгача бу уйдан меҳмонлар қадами узилмасди. Чунки шу куни улуғ шоиримизнинг туғилган куни эди.

Бу баҳор ҳам шундай бўлди, шогирдлар, яқинлар Абдулла Ориповнинг хонадонига келиб, устозни хотирлашди, шеърхонликлар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академиясида ҳам Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди. Курсантлар ва офицерлар буюк шоир ҳақидаги хотираларни катта қизиқиш билан тинглашди.

«Фаввора фильм» киностудияси таъсисчиси ва продюссери Келдиёр Хўжаёров:

— Барча буюк инсонлар каби Абдулла Орипов ҳам мураккаб, шу билан бирга, ўта шарафли умр йўлини босиб ўтди. Унинг кенг мушоҳадали ва «тиғи» ўткир шеърлари Ватанга нисбатан чексиз муҳаббат, юртдошларига самимият, Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига мустаҳкам ишонч туйғулари билан лимо-лим эди. Тўғриси, биз ҳали бу инсон орамизда кўп яшайди, деб бироз бепарволик қилгандекмиз, назаримда... Биз тадбирга шоиримизнинг 75 ёшлик юбилейида ёзиб олинган видео тасвирни намойиш этиш учун олиб келганмиз...

Ушбу тарихий лавҳалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Алишер Назар:

— Бундай хотиралардан киши ўзига яраша сабоқ олади. Аслида қобилиятнинг 90 фоизи меҳнат ҳисобланади. Мен устоз тўрт қатор шеърни қайта-қайта ёзиб, сўнг маромига келган бўлса-да, уни йўқ, менга ёқмади, деганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Мисол учун, халқимиз орасида машҳур, санъаткорлар мароқ билан куйлайдиган «Сен баҳорни соғинмадингми» шеъри қайта-қайта ёзилган бўлсада ундан кўнгли тўлмай, ташлаб қўйган экан. Бу шеърни устоз Озод Шарофиддинов кўриб қолиб, чоп эттирган экан. Ҳа, Абдулла Орипов бир миттигина шеър устида соатлаб, кунлаб, ойлаб тер тўкиб ишлайдиган ижодкор эди...

Абдулла Ориповнинг тўнғич фарзанди, тиббиёт фанлари номзоди Шоирахон Орипова:

— Отам ўз халқини, туғилиб ўсган юртини чексиз меҳр билан севиб яшади. У ўзини бу халқдан, бу юртдан айро ҳолда тасаввур қилолмасди. Маълумки, ҳаётларининг сўнгги йилларида хасталаниб қолдилар. Лекин шунга қарамасдан, сўнгги нафасгача ижодни тўхтатмадилар.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, вафот этишларидан бир неча соат авval, иккала билаги «каппелница»га уланган бўлишига қарамасдан, кўнгилларига қуйилиб келаётган шеърларни шивирлаб айтишга уринардилар. Биз отамнинг оғиз қимирлашларини диққат билан кузатиб, фикрларини қоғозга туширардик, сўнг у кишига ўқиб эшиттирардик, сатрлар тўғри ёки нотўғрилигини имо-ишоралар билан тасдиқлаб турардилар...

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академияси тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Даврон Усмонов:

— Бутун умр халқ дарди билан яшаган, унинг озодлиги-ю ободлигини, мустақиллигини куйлаб ўтган севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг юксак ватанпарварлигидан биз ҳарбийлар ибрат олмоғимиз керак, деб ўйлайман. Биз ҳар тонг унинг қаламига мансуб бўлган давлатимиз мадҳиясини айтиб, иш бошлаймиз, мадҳияни айтиб, осуда юртда тинч уйқуга кетамиз. Шубҳасиз, бу ёруғ олам бор экан, дунёда тириклик мавжуд экан, Мустақил Ўзбекистон бор. Мустақил Ўзбекистон бор экан, Абдулла Орипов номи, ижоди халқимиз қалбида яшайверади.

Шунингдек, ёзувчи Луқмон Бўрихон, «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири Сафар Остонов суюкли шоиримиз билан боғлиқ хотираларини ҳикоя қилишди, курсант Азизбек Исмоилов эса Абдулла Ориповга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд давлат медицина институтида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда халқаро конференция ўтказилди.

ЖИЛЛ ФАРИНГТОН, БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ ЕВРОПА ҲУДУДИЙ ИДОРАСИ ЕТАКЧИ РАҲБАРИ:

«ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРИ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР»

...Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2019 йил 11 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, юқумли бўлмаган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф-хатарларни эрта аниқлаш борасида Самарқанд давлат медицина институти профессор-ўқитувчилари зиммасига бир қатор долзарб вазифалар юклатилган эди...

Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ҳамда **«Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат медицина институти ректори, профессор Азамат Шамсиев ташаббуси билан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва диагностикаси, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мавзуларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни **Самарқанд вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркинжон Турдимов** очди ва конференция ишига муваффақиятлар тилади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий идораси, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, назорат қилиш ва қарши курашиш дастури етакчи раҳбари Жилл Фарингтон, мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги бош вакили Лианн Куппенс, ҳамда ташкилотнинг Ўзбекистондаги миллий вакили Елена Цой, Россия колопроктология ўқув маркази директори, Россия фанлар академияси мухбир аъзоси Юрий Шелигин, Москва давлат медицина стоматология университети профессори Элвира Зимина, Москвадаги Вишневский номидаги хирургия маркази катта илмий ходими Мадина Қодирова ҳамда СамМИ профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Жилл ФАРИНГТОН,
Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий идораси етакчи раҳбари:

— Халқ саломатлигига Президент Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори эътирофга сазовор. Ўзбекистонда давлат томонидан даволаш профилактика муассасаларининг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларнинг нуфузли компанияларида ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги русумдаги янги замонавий, самарали ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминланаётганлиги, бир қатор халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мазкур омиллар халқингиз саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш, одамларнинг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш борасида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги йўлида сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламдаги амалий ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Юртингизда медицина соҳасидаги ислоҳотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи янада ошганлиги кузатилмоқда.

Самарқанд давлат медицина институти томонидан ташкил этилган конференция муҳим масалаларга бағишлангани билан алоҳида аҳамиятга эга. Анжуманни юқори даражада ўтказилишида институт профессор-ўқитувчиларининг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз деб ўйлайман. Мени ҳайратлантиргани мазкур институтда ўқув жараёни мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб таълимнинг илғор усули кредит-модуль тизими асосида олиб борилаётгани бўлди.

Биз кейинги фаолиятимизда ҳам Самарқанд давлат медицина институти билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бу ҳақда ректор Азамат Шамсиев билан келишиб олдик.

Юрий ШЕЛИГИН,
Россия колопроктология ўқув маркази директори, Россия фанлар академияси мухбир аъзоси:

— Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган Самарқанд давлат медицина институти профессор-ўқитувчиларининг жаҳон, шу жумладан унинг ажралмас бир қисми ҳисобланган Ўзбекистон тиббиёти тизими учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бераётганлигидан яхши хабардормиз ва мазкур нуфузли институт билан таҳсис ва даволаш ҳамда илмий ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Самарқанд давлат медицина институтининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро илмий амалий конференция соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб масалалардан бири — юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва диагностикаси, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мавзуларига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Елена ЦОЙ,
Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги миллий вакили:

— Мазкур нуфузли илмий-амалий анжуман Самарқанд давлат медицина институтида ўтказилаётгани бежиз эмас. Сабаби мазкур даргоҳ профессор-ўқитувчиларининг жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини шакллантириш, тўғри овқатланиш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва диагностикаси, таълим жараёнларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, таълим самарадорлигини ошириш, дарс жараёнларида янги самарали инновацион усулларни қўллаш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш,янги замонавий ташхис ва даволаш усулларини амалиётга жорий этиш, даволаш профилактика муассасаларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамияти касб этади.

Мадина ҚОДИРОВА,
Москвадаги А.Вишневский номидаги хирургия маркази катта илмий ходими:

— Анжуман мавзусининг долзарблиги, шунингдек, кўплаб хорижлик экспертлар таклиф этилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бугун мазкур муаммолар бутун дунёни ўйлантираётгани айни ҳақиқатдир. Самарқанд давлат медицина институти томонидан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда мазкур илмий-амалий конференцияни ташкил этилиши кўпчиликка ибратдир. Институт профессор-ўқитувчиларининг Самарқанд вилоятининг узоқ ва чекка туманларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом овқатланиш борасида олиб бораётган ишлари диққатга моликдир. Халқ саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган бундай эътибор ва ёндашув албатта фуқароларнинг ўртача умр кўриш даражасини янада ошириш имконини беради.

Фаррух ҲАМРОЕВ

ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Миллий» стадионда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва спорт ўйинларига оммавий равишда жалб қилиш мақсадида «Ёшлар бирлиги — юрт тинчлиги» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик спорт фестивали ўтказилди.

Чилонзор тумани ҳокимлиги, прокуратураси, мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган спорт фестивалининг тантанали очилиш маросимида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бераётгани, бу каби ҳарбий-спорт мусобақалари ўқувчиларни ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг ҳудуддаги 7-, 534-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари Ватан, мардлик ва дўстликни тараннум этувчи шеърлар ўқиди. Улар иштирокидаги саҳна кўринишлари барчада катта таассурот қолдирди.

— Ёшларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаш мамлакатимиз мудофааси юксалишига хизмат қилади, — дейди Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлимининг чақирилувчи ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи Шерзод Ҳикматов. — Мазкур спорт фестивали жойларда тизимли равишда ўтказилди. Мақсад ҳарбий чақириққа тайёргарлик ёшидаги ўқувчиларни ҳарбий хизмат ва олий ҳарбий билим юртларига пухта тайёрлашдир. Шунингдек, туманимиздаги мактабгача таълим муассасалари ўртасида ўтказилган тадбирлар болажонларда катта қизиқиш уйғотди.

Мусобақада ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари жамоалари ҳарбий қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, саф тайёргарлиги, сафда қўшиқ айтиш, турникда тортилиш ва эстафета югуриши каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашди. Беллашувлар ғолиблари, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши фан ўқитувчилари, фаол қатнашган жамоалар ҳомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Мусобақада турникда тортилиш шартида энг яхши натижа кўрсатиб, ғолиб бўлдим, — дейди тумандаги 168-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳумойиддин Муратов. — Бу каби спорт тадбирлари шу кунгача амалий ва назарий дарсларда олган билимларимизни синовдан ўтказишга хизмат қилади.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Website: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Mahmud TOIR, Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 451. 4681 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:50.
Topshirilgan vaqti — 23:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
1 2 3 4 5 6